O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI

САЙЛОВДА ФАОЛ ИШТИРОК ЭТАЙЛИК, МУНОСИБ НОМЗОДЛАРГА ОВОЗ БЕРАЙЛИК!

Ҳаксевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАКИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ♦ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 1999 йил 4 декабрь, шанба • № 95 (11.178) • Эркин нархда сотилади

БИЗ КУТГАН КУНЛАР КЕЛДИ

ОЛИЙ МАЖЛИС ва маҳаллий Кенгашларга ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловларини ўтказиш муддатлари белгиланганидан буён маълум вақт кечди. Эндиликда мамлакатимиз ҳаётидаги мана шу муҳим сиёсий ва ижтимоий аҳамиятга эга бўлган кампаниянинг ҳал қилувчи палласи келди.

Эртага Олий Мажлис ва маҳаллий Кенгашлар депутатлигига номзодлари қўйилган муносиб кишилар учун овоз берилади. Юқоридаги тамойиллар Ўзбекистон Республикасининг асосий қонуни — Конституциямизда аниқ-равшан қайд этилган бўлиб, унга зарҳал ҳарфлар билан «Ўзбекистон Республикасининг Президенти сайлови, ҳокимиятнинг вакиллик органлари сайлови умумий, тенг, тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан ўтказилади», — деб ёзиб қўйилган.

Хўш, Олий Мажлис нима ёхуд маҳаллий Кенгашлар нима, деган саволлар туғилиши мумкин. Жавоблари мана бундай: Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси олий давлат вакиллик органи ҳисобланиб, қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга оширади. У ҳудудий бир мандатли сайлов округлари бўйича кўппартиявийлик асосида, беш йил муддатга сайланади. Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашлари эса ҳокимликнинг жойлардаги вакиллик органларидир. Уларнинг депутатлари ҳам кўппартиявийлик асосида, беш йил муддатга умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида сайланадилар.

Шуни алоҳида айтиш керакки, Олий Мажлис ва маҳаллий Кенгашлар сайловларига жойларда катта тайёргарлик кўрилди. Бу борада сайловолди тарғиботларини олиб боришда мавжуд қонунларга ва демократик тамойилларга қатъий риоя қилинди. Депутатликка номзодлар тегишли сайлов комиссиялари томонидан рўйхатга олингач, ташвиқот-тарғибот тадбирлари бошланди. Номзодларга ўз саъй-ҳаракатларини амалга ошириш учун тенг имкониятлар яратиб берилди. Бўлажак депутатлар билан учрашувлар, турли-туман йиғинлардаги мунозара ва мубоҳасалар, мулоқот пайтларидаги савол-жавоблар, овоз бериш тартиблари тўғрисидаги суҳбатлар, сайловчиларнинг ҳақ-ҳуқуқлари хусусидаги тушунтиришлар кўзланган мақсадларни берди. Қисқаси, барча тадбирлар сайловларни уюшқоқлик ва юқори савияда ўтказишга қаратилди.

Айни пайтда одамларимизнинг сайловларга бошқача дунёқараш, ўзгача тафаккур, янгича мушоҳада билан келганликлари кишини қувонтиради. Зотан, давр бошқа бўлгандан сўнг инсонларнинг фикрлаш салоҳияти ҳам ўзгача бўлар экан. Зеро, бугунги сайловчи нима учун овоз бераётганлигини жуда яхши билади. Она-Ватан истиқболи учун, миллатимиз шон-шарафи учун, халқимизнинг фаровон турмуши учун, ёрқин келажак учун, амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг муваффақияти учун овоз бераётганликларини улар рўй-рост тасаввур этмоқдалар. Шу боис улар ўта фаол, зийрак ва саводхондирлар.

Яна бир гап. Бу йилги сайловларнинг мундарижаси ҳам ўзига яраша. Улар мазмунан ғоят кенг, моҳиятан жуда чуқурдир. Бу дегани бу галги сайловлар аввалгиларидан кескин фарқ этади. Улар мазмун жиҳатидан миллийлиги, моҳият борасида байналмилаллиги, сиёсий томондан жаҳон андозаларига муштараклиги билан алоҳида ажралиб турипти. Шунинг учун ҳам бу йилги сайловларимизни кузатиш ва Ўзбекистон деган мамлакатда демократия деб аталмиш умумбашарий тамойилларга қандай риоя қилинаётганлигига вужудан ишониш учун, сайловларда жаҳон андозалари татбиғини ўз кўзлари билан кўриш учун юртимизга бообрў халқаро ташкилотлар вакиллари ташриф буюрдилар.

Шундай қилиб, вилоятимизда эртага Олий Мажлисга сайлов ўтказувчи 24та сайлов округида, Тошкент вилоят Кенгашига сайлов ўтказувчи 54та сайлов округида, шаҳар ва туман Кенгашларига сайлов ўтказувчи 590та сайлов округида илк саҳар — соат олтидан бошлаб овоз беришларга киришилади. Шу тариқа Олий Мажлис ҳамда вилоят, туман, шаҳар Кенгашлари депутатлари сайланадилар. Демак, ҳозирги номзодлар ҳадемай депутат деган шарафли мақомга эга бўладилар. Ана ундан сўнг улар ҳаёти бошқача фаолият доирасига даҳлдор бўлади.

Чиндан ҳам депутатлик «юки» енгил эмас. Зеро, халқнинг муносиб вакилларида ақл ва заковат, билим ва тажриба, ғайрат ва матонат, масъулият ва бурч, халоллик ва поклик, инсонийлик ва ҳамиятпешалик сингари сифатлар жамулжам бўлмоғи даркор. Юртбошимиз айтганларидек, «Халқ якдиллиги ва ҳамфикрлиги — ҳаммамизнинг буюк ғалабамиз»дир. Халқ ўзи сайлайдиган депутатларга катта ишонч ва умид билан қарамоқда. Инчунин халқнинг ана шу улуғ ишончига муносиб бўлиш буюк бахтдир. Бу бахтга фидокор, ватанпарвар, эътиқодли, давлат ва миллат манфаатлари йўлида ҳормай-толмай жонбозлик кўрсатадиган инсонларгина муяссар бўладилар.

Юқорида айтганимиздек, сайловлар 5 декабрь куни эрталаб соат 6.00 ДАН КЕЧ СОАТ 20.00 ГАЧА давом этади.

Сўнгги истак — сайловчиларга хоҳишироду, номзодларга омад ёр бўлсин!

Мен келажагим учун овоз бераман!

ЭРТАГА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҲАМДА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ВИЛОЯТ, ТУМАН ВА ШАҲАР КЕНГАШЛАРИГА САЙЛОВЛАР КУНИ

ЮРАКЛАРДА ЁНАР ҲАЯЖОН

Инсоннинг ҳаётида «илк бор» сўзи кўп марта тилга олинади. У илк бор мактабга қадам қўяди, илк бор қўлига фуқаролик паспортини ушлайди, илк бор мустақил ҳаётга қадам қўяди, илк бор сайлайди ва сайланади. Ўн саккиз ёшга кирганлар учун ҳар бир нарса худди мўъжизадек кўриниши табиий.

Тошкент тумани Қизғалдоқ қишлоғидаги 14-сайлов участкаси жойлашган 9-мактаб биносига кириб борганимда ёшларнинг қизғин баҳсларига дуч келдим. Улар бир-бирига гал бермасдан депутатликка номзодлар билан бўлган охирги учрашув таассуротларини сўзлашишарди. Улардан сайлов участкаси жойлашган хонани сўрадим. Бир қиз хонани кўрсатиб: «Ортиғой опага учрашасиз», деб қўшиб қўйди.

Хона ҳам ёш сайловчилар билан гавжум экан. Улар қўлларига ушлаб олган таклифномаларини кўрсатиб, бюллетен қанақа бўлишини участка бошлиғидан сўрашарди.

— Бюллетенни 5 декабрь — сайлов куни қўлингизга топширамиз, — тушунтирди Ортиғой Абдуллаева. — Ўша куни соат беш яримда шу ерда бўлишингиз лозим.

— Нега? — Ҳайрон бўлиб сўради бир нечта йигит-қизлар бараварига.

— Тадбиримиз бор, — кулиб қўйди Ортиғой опа.

— Биринчи бор овоз бераётган ёшларимиз 79 та, — ҳикоя қилди у. — Улар билан бир неча марта учрашдик. Дастлаб Ўзбекистон Республикасининг сайлов тўғрисидаги қонунлари билан таништирдик. Сўнгра депутатликка номзодлар билан учрашувларда иштирок этишларини таъминладик. Бизни ниҳоятда хурсанд қилган жойи шундаки, аввалги сайловларда ёшлар анча лоқайд эдилар. Бизнинг қуйиб-пишганимизга қарамай, ўз билганларидан қолмасдилар. Бу гал ундай бўлмади. Ҳаммалари барча тадбирларда фаол иштирок этишяпти. Ҳатто номзодлар билан бўлган учрашувларда кутилмаган саволлар билан мурожаат қилишди.

— Балки, ўзинглар ўргатгандирсизлар? — сўрадим мен.

— Йўғ-е. Ёшларнинг ўзи сайлов участкасига келиб, ҳар бир номзоднинг таржимаи ҳоли билан танишди, партияларнинг сайловолди ҳаракат дастуридан бохабар бўлишди. Бир йигит нима деб савол берди денг: «Нега сизнинг дастурингиз сиз аъзо бўлган партия дастурига мос келмаяпти?»

— Қониқарли жавоб олган бўлса керак?

— Номзодга анча қийин бўлди. Назаримда жавобдан ёшларимиз қониқмагандек кўринишди. Ҳали ўзингиз учрашсангиз, ишонч ҳосил қиласиз.

Бир тўп ёшларга яқинлашганимда, улар суҳбатларини тўхтатиб, менга ўгирилишди.

— Агар йўқ демасанглар, бу йилги сайловлар ҳақида ўз фикрларингизни айтсангизлар.

— Оиламиздаги ёши катталар ўн-ўн беш йил аввалги сайлов ҳақида гапиришади, — деди Назокат Жалилова, — ўшанақа бўлса керак деб ўйловдим. Лекин сайлов арафасидаги ҳаракатлар, номзодлар, партияларнинг ҳаракат дастурларини кўриб, фикрим ўзгарди. Менга ёққани — номзодларнинг, бир нечталиги, сайловчи ўзига манзур бўлган, ўзи лойиқ деб топган номзодга овоз беради. Бу тенгдошларимнинг ўзларига бўлган ишончни мустаҳкамлайди деб ўйлайман.

— Аввалари ёшларга умуман эътибор берилмас экан, — деди Мурод Ашимов. — Бу сафар ундай бўлгани йўқ. Махсус ташвиқот-тарғиботчилар гуруҳи биз билан бир неча марта суҳбатлар ўтказишди. Билганларимизни мустаҳкамлаб олдик, билмаганларимизни ўргандик.

— Биласизми, — суҳбатга аралашди Гулчеҳра Нуртоева, — сенга шундай эътибор бериб турилгандан кейин, юртинг учун, Ватанинг учун, ишлагинг, ўқигинг келар экан. Энг муҳими, дўстларимни билмадим-ку, мен демократик сайлов ҳақида жуда кўп нарсаларни тушуниб олдим.

— Эртанги берилажак овоз фақат депутатлар учун деб ўйлайсизларми?

— Йўқ, — деди ўзини Иззат Сатибоев деб таништирган йигитча. — Эртанги беражак овозимиз тинчлигимиз, кафолатланган истиқболимиз, Ватанимизнинг равнақи учун деб ўйлайман. Чунки ҳар бир депутат эртанги кунимизнинг ишончли вакили ва толмас курашчиси, деб биламан.

Рости, эндигина ўн саккиз ёшга тўлган, катта ҳаёт остонасида турган бу йигит-қизларга жуда ҳам ҳавасим келди. Ахир улар шу ёшданоқ оқни-оқ, қорани-қора, деб улгаядилар. Ҳамиша ҳақиқатни ёқлайдилар, ўз ҳақ-ҳуқуқларини таниб оладилар.

Юртимизнинг келажаги бўлган бу ёшларга, нафақат уларга, балки республикамизнинг илк бор овоз бераётган барча йигит-қизларига: «Бахтингиз ёр бўлсин, ўз келажагингиз учун овоз берар экансиз, шу келажакнинг ҳақиқий эгаси бўлинг», дегим келди.

Темур ЙЎЛДОШЕВ.

МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлди. Уни мазкур комиссия Раиси Н. Комилов бошқарди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар Ислом Каримов ҳамда Абдулҳафиз Жалоловнинг ишончли вакилларини рўйхатга олиш тўғрисидаги масала муҳокама қилинди.

«Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Қонуннинг 29-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар Ислом Каримов ҳамда Абдулҳафиз Жалоловнинг ишончли вакиллари рўйхатга олинди. Номзодларнинг ишончли вакиллари орасида жамоат ташкилотлари, ишлаб чиқариш соҳаси, ҳокимликлар, олий ўқув юртлари вакиллари бор.

Мажлисда Марказий сайлов комиссиясига келаётган ариза ва шикоятлар тўғрисидаги масала кўриб чиқилди. Мамлакатимизда сайловолди тарғибот ва ташвиқот ишлари тобора кучайган сари мазкур комиссия номига келаётган ариза ва шикоятлар сони кўпайгани таъкидланди. Бу ариза ва шикоятлар турли мазмунда бўлиб, ҳар бири комиссия аъзолари томонидан диққат-эътибор билан ўрганилмоқда. Натижалари хат эгалари ҳамда тегишли мутасадди ташкилотларга тезкорлик билан хабар қилинмоқда. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, бу хатларнинг асосий қисми Олий Мажлис депутатлигига номзодлардандир. Олий Мажлис депутатлигига номзодлар рўйхати эълон қилингандан буён 218 нафар киши депутатликка номзодликдан махрум этилгани, шулардан 212 нафари ўз аризасига кўра номзодини қайтариб олгани маълум қилинди.

Мажлисда Ўзбекистон телерадиокомпаниясининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сайлови куни сайловчиларнинг овоз бериш жараёнини ёритиш режалари тўғрисидаги ахбороти тингланди.

Мажлисда, шунингдек, Марказий сайлов комиссияси ваколати доирасига кирувчи бошқа масалалар ҳам муҳокама этилди.

Т. БОТИРБЕКОВ, ЎзА мухбири.

ФАХРЛАНСАК АРЗИЙДИ

Яшаган кўп йиллик умримда анча-мунча воқеаларга шоҳид бўлганман. Худди кўпикка ўхшаган, ёлғон ташвиқотлар билан тўлиб-тошган сайлов кампанияларини ҳам кўрганман. Ҳатто, одамлар сайлов участкасига нима учун келганига тушунолмасдан қайтганларига гувоҳ бўлганман.

Шукрки, истиқлол ҳаётимизни ҳам, онгимизни ҳам янги ўзанларга буриб юборди. Айниқса, жамиятимизнинг демократия сари дадил олға бораётгани бу йилги Олий Мажлисга, вилоят, туман, шаҳар Кенгашларига ўтказилаётган сайловларда яққол кўринди. Аввалари бўлажак депутатни бир марта, ўшанда ҳам сайловолди учрашувида кўрардик, холос. Шундан сўнг беш йилгача изини ҳам тополмасдик. Депутатнинг номи бору ўзи йўқ эди. Бу йил ундай бўлмади. Ҳар бир учрашувга қатнашдим. Аввалари депутатликка номзодга савол беришга ҳам рухсат олинарди. Сўзга чиқадиганлар аввалдан белгилаб қўйилларди. Айтадиган гапи ёзиб бериларди. Бу сафар одамлар юрагидагини айтди. «Қўлингдан нима келади?» деб номзоддан талаб қилди. «Сен юртимизнинг келажаги учун нима қила оласан?» деб дадил сўради. Чунки фаровон келажак ўзи учун бунёд бўлаётганини ҳар бир сайловчи яхши тушунарди.

Ойнаи жаҳонда хорижда бўлаётган сайловларни кўриб қолганимизда, ҳайратга тушардик. Энди бизда бўлаётган буюк ўзгаришларни халқимизнинг саккиз йил ичида нималарга эришганини хорижликлар келиб кўрсин. Охирги сўзим — эртага биринчи бўлиб ўзим танлаган номзодга овоз бераман.

Ҳабибулла АБДУЛЛАЕВ, Бўка туманидаги «Бўстон» қишлоқ фуқаролар йиғини раиси.

МУҲТАРАМ САЙЛОВЧИ!

Эртага Олий Мажлис ҳамда халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатларини сайлаётганингизда, сайлов бюллетенларини тўлдириш овоз беришдаги энг масъулиятли дамлар эканлигини унутманг

Бюллетенларни тўғри тўлдириш йўли қандай?

Сайлов участкасига келиб, сайлов бюллетенини олганингиздан кейин яширин овоз бериш кабинасига (хонасига) кириб, бюллетенларга тегишли белгилар қўйишингиз шарт. Шуни билиш жоизки, сайлов бюллетенига мазкур округдан овозга қўйилаётган барча депутатликка номзодларнинг фамилияси, исми, отасининг исми, алифбо тартибида киритилиб, туғилган йили, партияга мансублиги, эгаллаб турган лавозими (машғулотининг тури) ва уларни депутатликка номзод этиб кўрсатган органнинг номи кўрсатилган бўлади.

Сайлов бюллетени ўзингиз қарши овоз бераётган номзодларнинг фамилияларини ўчириш йўли билан тўлдирилади. Қонунинг ана шу талабидан келиб чиқиб, Сиз бюллетенда ўзингиз ёқлаб овоз бераётган битта номзоднинг фамилиясини қолдиришингиз лозим.

Агар Сиз бюллетендаги барча фамилияларни ўчирсангиз, у ҳолда мазкур округ бўйича кўрсатилган депутатликка номзодларнинг ҳаммасига қарши овоз берган бўласиз.

Агар бюллетенда иккита ёки ундан ортиқ номзоднинг фамилияси ўчирилмай қолдирилган бўлса, Сизнинг бюллетенингиз ҳақиқий эмас, деб топилади. Яъни овозларни санаб чиқиш чоғида Сизнинг овозингиз ҳисобга олинмайди.

Шу нарсани ҳам ёдда тутиш жоизки, сайловчи томонидан бюллетенга қўшимча равишда ёзилган бошқа шахсларнинг фамилиялари ёки бошқа ҳар қандай ёзувларни участка сайлов комиссияси эътиборга олмайди.

Қонуннинг ана шу нормаларини билиш ва уларга оғишмай риоя этиш ҳар бир сайловчига овоз бериш куни ўзининг сайловга доир конституциявий ҳуқуқини тўла-тўкис амалга ошириш имконини беради.

ВАТАН РАВНАҚИ, ХАЛҚ ФАРОВОНЛИГИ,

БУ ГАЛГИСИ АВВАЛГИГА ЎХШАМАС

БУ ЙИЛГИ сайловларга тайёргарлик ишлари масъулиятли, айни вақтда мароқли бўлди. Чунки, бугунги сайловчи кечаги сайловчига сира ўхшамайди. Уларнинг фикрлаш доираси, мушоҳадаси анча кенг ва теран. Бу мамлакатимиз тарихида тўла демократия тамойилларига асосланган сайловга тайёргарлик даврида кўзга ташланиб турди.

Сайлов участкамиз деярли ҳар куни сайловчилар билан гавжум бўлди. Уларни фақат депутатликка номзодларгина эмас, айни вақтда сайловга тайёргарликнинг бориши ҳам қизиқтирди. Сайлов комиссиямиз аъзоларига турли масалалар бўйича тез-тез мурожаат қилиб туришди, анча мураккаб саволларига жавоб беришга тўғри келди. Бу, албатта, бизни ишни пухта ташкил этишга ундади.

Участкамиз бўйича сайловда қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган 2150 нафар фуқаро рўйхатга олинди. Уларга таклифномалар анча барвақт тарқатилди. Сайлов бюллетенлари ташланадиган қутилар тахт қилиб қўйилди. Бетоблиги, ногиронлиги ва бошқа сабаблар билан сайлов участкасига келиш имконига эга бўлмаган фуқаролар, шунингдек, кексалар ҳузурига эса комиссия аъзоларининг ўзлари борадилар. Биз бундай сайловчиларнинг ҳам рўйхатини тузиб қўйдик.

Участкамизда сайловни ўтказиш учун ҳамма нарса тахт. Эртага эрталабдан сайловчиларнинг келишини орзиқиб кутамиз. Бу катта сиёсий кампания уюшқоқлик билан ўтиши учун барча имкониятлардан фойдаланамиз.

Нуриддин НОРТОЕВ,
Қибрай туманидаги 24-сайлов участкаси комиссияси раиси.

МАСЪУЛИЯТИ ЗИММАМИЗДА

Ҳаётим давомида кўп сайловларни кўрдим. Сир эмас, шундай пайтлар бўлардики, сайлов участкасига бир киши бориб, оиланинг бошқа аъзолари учун ҳам овоз бериб келаверарди.

Ҳеч ким ҳеч нарса демасди. Бу табиий ҳол эди. Чунки номзод битта бўларди, хоҳлайсизми, йўқми, унга овоз беришингиз керак! У кунлар ўтиб кетди. Энди танлаб сайлаш учун имконият бор. Шунинг учун ҳар ким ўзи холисанлло, кўнгли чопган одамига овоз бериши шарт! Ана шунда ҳақиқий демократия бўлади. Ана шунда энг яхши, халққа, эл-юртга фойдаси тегадиган, қайишадиган одамларни сайлаган бўламиз.

Мен яна бир нарсани таъкидламоқчиман. Сайловнинг ҳақиқийлигини таъмин этувчи бу имкониятни бизга мустақиллик берди. Буни ҳар биримиз тушунишимиз, қадрига етишимиз керак. Ҳар ҳолда мен тушуниб етдим. Ўз номзодимни аллақачоноқ танлаб олганман.

Тўлқин МУҲИДДИНОВ,
Янгийўл туманидаги Абдулла Ортиқов номли жамоа хўжалиги пудратчилар бригадаси бошлиғи.

МАМЛАКАТИМИЗ мустақилликка эришгандан бошлаб унинг дунё ҳамжамиятига қўшилиши учун кенг имкониятлар пайдо бўлди. Хусусан, Ўзбекистон бошқа давлатлар билан тенг қаторда халқаро ташкилотлар — Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик Кенгашларининг аъзоси сифатида нуфузи йилдан-йилга ортиб бормоқда. Истиқлолнинг дастлабки йилларидаёқ ҳуқуқий давлат қуришга аҳд қилган республикамизда жаҳон тажрибасига таянган ҳолда яратилган Конституциямизга мувофиқ ваколатли органларга сайловларнинг чинакам демократияга асосланган тизими шаклланди.

ДЕМОКРАТИЯ ВА ЭРКИНЛИК ТИМСОЛИ

Сайлов тўғрисида қатор қонунлар ишлаб чиқилди. Ҳаётий тажрибамиз ортган сайин, бу меъёрий ҳужжатлар тобора такомиллашиб мамлакатимизда одил, эркин сайловлар ўтказишнинг кафолатига айланди. Республикамизнинг Олий Мажлиси ва маҳаллий Кенгашлар депутатлигига ҳамда Президент сайловларига тайёргарлик жараёни буни яна бир бор яққол кўрсатди. Мазкур сайловлар мазмуни, моҳияти аввалгиларига нисбатан ўзига хослиги билан алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Бизнинг Тошкент Давлат Юридик институти доценти Омонулла МУҲАММАДЖОНОВ билан мулоқотимиз ана шу сайловларнинг олдингиларидан афзалликлари, тарихий аҳамияти, унда демократия тамойилларининг янада кенг мужассам топганлиги билан боғлиқ омилларга бағишланди.

— Омонулла Зокирович, Республикамиз Олий Мажлисига ва маҳаллий Кенгашларига ўтказилаётган мазкур сайловларнинг қайси жиҳатини алоҳида таъкидлаган бўлар эдингиз?

— Аввало, шуни айтиш керакки, Ўзбекистон тарихида ёрқин саҳифа очган 1994 йил 25 декабрдан буён халқимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида рўй берган катта ўзгаришлар, сайловлар ўтказиш борасидаги тажрибамизни ҳам бойитди. Бу Республикамиз парламентига ва маҳаллий кенгашларга ўтказилаётган бу йилги сайловларга тайёргарлик жараёнида намоён бўлмоқда.

Биринчи навбатда мазкур сайловларда демократия тамойиллари кенг қулоч ёйганлигини эътироф этмоқчи эдим. Аввалги сайловларда бор-йўғи иккитагина сиёсий партия ва ҳокимият вакиллик органлари иштирок этган бўлсалар, бу сафар сиёсий партиялар сони бештага етди. Кўп партиявий сайловлар муқаррар равишда муқобиллик асосида ўтади, албатта. Шунинг учун ҳам, сайлов тўғрисидаги қонунларга кўра, республика Олий Мажлисига, маҳаллий Кенгашларга Ўзбекистон Халқ демократик партияси, «Ватан тараққиёти», «Адолат» социал демократик партияси, «Миллий тикланиш», «Фидокорлар» миллий демократик партиялари, ташаббускор гуруҳлардан, ҳокимият вакиллик органларидан номзодлар кўрсатилди. Шуни ҳам айтиш керакки, округ, участкалар сайлов комиссияларининг уюшқоқликлари, муҳим кампанияга тайёргарликнинг ҳамма босқичларида аниқ сезилиб турди. Шунинг учун ҳам номзодларни рўйхатга олиш, уларга гувоҳномалар топшириш, сайловчилар билан учрашувларни ташкил этиш, уларнинг рўйхатини тайёрлаш қонунларда белгиланган тартибда, ўз муддатида амалга оширилди.

Номзодларга сайловчилар билан учрашувда, сайловолди ташвиқотларини юргизишларида тенг шароитлар яратиб берилганлигини алоҳида қайд этиш ўринлидир.

Бугунги сайловларда мен учун, айниқса, ҳайратланарли жиҳатларидан яна бири бу сиёсий кампанияга халқимизнинг тафаккури кенгайган, фуқаролар сиёсий онги ўсган ҳолда келганлиги, улар сайловларнинг моҳияти, мақсадини идрок этганлигидир. Сайловчилар мамлакатимиз тақдири, ҳар бир оила, ҳар бир фуқаро, фарзандларимиз тақдири эртага парламентда иш олиб борадиган депутатлар фаолиятига, уларнинг билими, савияси, истеъдодига, қонунлар яратишдаги салоҳиятига, халқ дарди, ташвиши, ўйларини, орзу-умидларини қай даражада тушуниб етишига боғлиқ эканлигини ҳис этмоқдалар.

Айни пайтда фуқаролар депутатнинг парламентдаги, маҳаллий кенгашлардаги вазифаси нимадан иборат эканлигини, эндиликда улар томонидан сайланган вакил қандайдир наказни бажариш билан эмас, балки эл фаровонлигини ошириш, мамлакат иқтисодиётини мустаҳкамлаш, она юртимизнинг буюк келажагини барпо этишга даҳлдор қонунлар яратиш билан шуғулланишини англаб етганликларини ҳам муҳим ютуқ деб тушунмоқ керак.

Аввалги сайловларга қараганда бу йил жойларда номзодлар билан учрашувлар кўп ўтди. Ҳатто сайловга бир кун қолгунга қадар ҳам бундай мулоқотлар давом этди. Уларда баҳс, мунозаралар жўшқин тус олди. Номзодлар дастурлари юзасидан фикр-мулоҳазалар рўй-рост айтилди. Айрим сиёсий партиялардан кўрсатилган номзодларнинг дастурларига эътирозлар ҳам бўлди. Партиялар фаолиятининг сустлиги, фақат улар сайловлар пайтидагина маълум даражада ишни жонлантирганликлари ҳақини, сайловчи ўз депутатини йиллар давомида кўрмаган ҳоллар ҳам бўлган. Эндиги сайловчи синчков, етти ўлчаб бир кесадиган, сайлаш масъулиятини ҳис этаётган фуқаро эканлиги эътиборга лойиқдир.

Сайловларни яна бир тарихий аҳамияти шундаки, улар халқимизнинг ўз келажагига катта ишонч, Президентимиз ва ҳукуматимизнинг ички ва ташқи сиёсатини қўллаб-қувватлаш руҳида ўтмоқда.

— Янги сайланадиган парламент биринчи навбатда қандай масалаларга эътибор беришини истардингиз?

— Олий Мажлисга сайланадиган депутатлар корпуси олдида жуда катта вазифалар турибди. Улар иқтисодиётни барқарорлаштириш, халқ фаровонлигини ошириш, Ватанимиз мудофаа қудратини янада мустаҳкамлаш, мамлакатни ички ва ташқи таҳдидлардан муҳофаза этишга доир қонунларни янада такомиллаштиришлари мақсадга мувофиқдир. Қишлоқ турмуш маданиятини юксалтириш масаласига мустақиллик йиллари ичида жиддий эътибор берилди. Лекин, бу борада қабул қилинган қонунлар ижроси талаб даражасида бўлмаяпти. Шу муносабат билан уларнинг ижросини таъминлаш бўйича меъёрий ҳужжат зарур деб ўйлайман. Айни пайтда аёллар меҳнатини енгиллаштириш, уларни катта куч талаб қиладиган оғир ишлардан ҳоли этиш, оналик ва болалик муҳофазаси йўналишларида ижобий самаралар берадиган янги қонунлар қабул қилинса, деган орзуларим ҳам йўқ эмас.

Ўйлайманки, парламентимизга сайланадиган депутатлар ўз фаолиятларини халқимиз бахт-саодатини, фаровонлигини кўзлаган, инсонпарварлик руҳи билан йўғрилган ана шундай меъёрий ҳужжатлар яратишга қаратадилар ва сайловчиларнинг ишончларини амалда оқлайдилар.

Суҳбатдош: Саидвали ҲАСАНОВ.

«ШАЙМИЗ, ТАЙЁРМИЗ!»

Эртага Тошкент тумани худудидаги Олий Мажлисга сайлов ўтказувчи 166-Қизғалдоқ сайлов округи участкаларида 55 минг 500 киши энг муносиб номзодларга овоз берадилар.

Тумандаги Оҳунбобоев номли 9-ўрта мактаб биносида жойлашган 14-сайлов участкасига 3234 нафар сайловчи келиши кутилмоқда. Бу ерда сайлов комиссияси аъзолари ишларни талаб даражасида йўлга қўйишгани туфайли барча тадбирлар қонунда белгиланган муддатларда амалга оширилди. Эртага барча сайловчиларнинг овоз беришлари учун ҳамма шароитлар яратиб қўйилди.

Муҳаррам Шодмонова бошчилик қилаётган 8-сайлов участкаси Кўктеракдаги Ҳамид Олимжон номли 12-ўрта мактаб биносига жойлашган. Бу ерда ҳам сайловга тайёргарлик ишлари яхши йўлга қўйилган. Марказий сайлов комиссияси тавсиялари, сайловга оид адабиётлар, қўлланмалар, ҳар бир номзоднинг сайловолди дастурлари, сайловчиларнинг овоз бериш хоналари мухайё этилган. Бу сайлов участкасида 2100 нафар сайловчи овоз беради. Шундан 56 нафар йигит-қизлар илк марта овоз берадилар.

Тошкент тумани худудида жойлашган сайлов участкаларининг барчабарчасида сайлов ўтказишга тайёргарлик ишлари ниҳоясига етди. Энди навбат сайловга!

Шавкат ҚУЛИБОЕВ.



КОМИЛ ИШОНЧ БИЛАН

Зангиота туманидаги Зангиота қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги Боғзор қўрғонида жойлашган 30-сайлов округига қарашли барча сайлов участкаларида ҳам эртага ўтказиладиган Олий Мажлис ва маҳаллий Кенгашларга сайловларга пухта тайёргарлик кўрилди. Бунда, айниқса, шу округга қарашли 27-сайлов участкаси аъзолари фаол ишладилар. Бу участкада 1270 нафар сайловчи бўлажак депутатлар учун овоз беради.

—Округимизда сайловга тайёргарлик билан боғлиқ барча тадбирлар ўз вақтида ташкил этилди, — дейди округ сайлов комиссияси раиси Собит Зокиров. — Шу билан биргаликда биз сайловчиларимизни номзодлар билан яқиндан таништиришга катта аҳамият бердик. Улар билан бир қатор учрашувлар ўтказилди. Сайловчиларнинг номзодлар билан мулоқотларда ўзлари учун энг муносибларини танлаб олишда бунинг аҳамияти катта бўлди. Шунингдек, илк бор сайловда иштирок этаётган ёшлар билан ишлашга ҳам катта аҳамият бердик. Мен бугун шуни тўла ишонч билан айтаманки, округимиз фуқароларининг ўз конституцион бурчларини бажаришлари учун барча шароитлар яратилди ва улар эртага сайловда фаол иштирок этадилар.

Даврон АҲМАД.

Суратларда: (чапдан) 27-сайлов участкаси раиси Баҳром Султонов, округ сайлов комиссияси аъзоси Любовь Чернова ва округ сайлов комиссияси раиси Собит Зокиров навбатдаги ишлар хусусида суҳбатлашмоқдалар; сайлов комиссияси аъзоси Гулнора Ризаева ёш сайловчи Валентина Малёновага бўлажак сайловлар ҳақида ахборот бермоқда.

Муаллиф олган суратлар.

ҲЕЧ КИМ БЕФАРҚ БЎЛМАДИ

ХАЛҚ депутатлари вилоят Кенгашига сайлов ўтказувчи 34-«Олимкент» сайлов округига қарашли ўнта сайлов участкасининг ҳаммасида рўйхатга олинган аҳолининг 5 декабрь куни ўз ихтиёри билан эмин-эркин овоз бериш учун барча зарур шарт-шароитлар муҳайё этилган.

БУ ЙИЛ сайлов комиссиялари ва овоз бериш участкаларини барвақт тайёрлаш ҳамда сайловчилар билан ишлашга, айниқса, жиддий эътибор қаратилди. Бу эса, ўз навбатида сайловларга тайёргарлик жараёнида фуқароларнинг фаоллигини кескин оширди. Улар куннинг исталган вақтида сайлов участкаларига келиб, ўзларини қизиқтирган ёки яхши тушунмайдиган масалалари юзасидан комиссия аъзоларига мурожаат қилишиб, сайловларга оид ҳуқуқ ва бурчларини аниқлаб, бу борадаги билимларини ошириб бордилар.

— Бизга, айниқса, ёш ва биринчи марта овоз бераётганлар кўпроқ мурожаат қилишди, — дейди шу округдаги 2-сайлов участкаси комиссияси раиси Ислом Мамашукуров. — Очиғини айтганда, мамлакатимиз сайлов тизимида бу йил юз берган ўзгаришлар, янгиланишлар, айниқса, демократик тамойилларнинг кўплаб киритилганлиги ҳеч кимни бефарқ қолдирмади. Сайлов участкамизнинг фуқаролар билан доимо гавжум бўлиб турганлигининг боиси ҳам шунда. Ўйлайманки, бизнинг участкамизда эртага бўладиган сайловлар аҳолининг фаоллигида уюшқоқлик билан ўтади. Қолаверса, номзодларнинг сайловолди учрашувлари давомида деярли барча сайловчилар ўз депутатларини деярли танлаб олдилар ва эртаги ана шу номзодлар учун ҳеч иккиланмай овоз беришади.

Самад ЙЎЛДОШ.

ЭРТАГА бутун мамлакатимиздаги каби вилоятимиз кишилари ўзларининг конституциявий ҳуқуқларига кўра сайлов қутилари томон йўл оладилар. Бу чиндан ҳам ҳаяжонли дамлар. Бундай деяётганим бежиз эмас. Чунки бу йилги сайловлар аввалгиларидан кўп жиҳатидан фарқ қилади.

Хусусан, мазкур сайловларга тайёргарлик жараёнида сайловчиларнинг ҳар қачонгидан ҳам фаолликлари, муҳим компанияга жиддий ёндошганликлари яққол сезилди. Сиёсий партиялар, ҳокимият органлари ташаббускор гуруҳлар ҳам ўз номзодларини тавсия этишга алоҳида масъулият билан муносабатда бўлдилар.

Мазкур сайловлар кўп партиявийлиги, эркин, одиллиги билан ҳам ажралиб туради. Бу йилги сайловларда вилоятда 54та сайлов округи ташкил этилди. Уларда вилоят комиссияси томонидан 195 нафар номзод, хусусан, Халқ демократик партиясидан — 49, «Ватан тараққиёти» партиясидан — 8, «Адолат» социал-демократик партиясидан — 33, «Фидокорлар» миллий демократик партиясидан — 41, «Миллий тикланиш» демократик партиясдиан — 2, ҳокимлик органларидан — 54, ташаббускор гуруҳлардан — 8 нафар юртимизнинг муносиб фарзандлари халқ депутатлари вилоят кенгашига депутатликка номзод сифатида рўйхатга олиндилар. Шунинг ўзиёқ бу йилги сайловларимизнинг демократик руҳидан яна бир далолатдир.

Вилоят сайлов комиссияси муҳим сиёсий кампаниянинг дастлабки кунлариданоқ уюшқоқлик билан ишлашга интилди. Округ сайлов комиссияларини тузиш, уларнинг моддий базасини мустаҳкамлаш, сиёсий партиялар, ҳокимият вакиллик органлари, ташаббускор гуруҳлардан тушган аризаларни ўз вақтида кўриб чиқиш билан боғлиқ тадбирлар сайлов тўғрисидаги қонунларга мувофиқ ўз вақтида амалга оширилди.

Айни пайтда комиссия аъзолари жойлардаги сайлов округлари раислари котиблари билан мунтазам биргаликда иш олиб бордилар. Бир неча бор вилоят сайлов комиссиясида, шунингдек, шаҳар ва туманлардаги сайлов округлари, участкаларида сайловларни ўтказиш, номзодларга даҳлдор ҳужжатларни тўлдириш, баённомларни расмийлаштиришга оид семинарлар, мулоқот даврларини ташкил этилди.

Шу билан биргаликда вилоят сайлов комиссияси аъзолари шаҳар ва туманлардаги округ сайлов комиссиялари, сайлов участкалари ишида йўл қўйилган камчиликларни, нуқсонларни ўз вақтида тугатишга маслаҳатлари билан ёрдам бериб турдилар.

Маълумки, сайлов — ўта масъулиятли сиёсий кампания. Унинг нечоғлик юксак талаблар даражасида ўтиши округ, участка сайлов комиссия раисларининг билими, малакасига боғлиқ. Бу борада уюшқоқлик билан ишлаган Чирчиқ, Олмалиқ шаҳар, Паркент, Янгийўл, Ўртачирчиқ, Юқоричирчиқ, Бўка туманлари сайлов комиссияларининг ҳисоботлари тингланиб, уларнинг фаолиятлари муносиб баҳоланди.

Биз сайловларнинг навбатдаги босқичи — номзодларнинг учрашувларини тенг шароитларда ташкил этиш борасида ҳам муайян шарт-шароитларни яратиб бердик. Шуни айтиш керакки, жойларда номзодлар билан мулоқотлар ниҳоятда қизғин ва фаоллик билан ўтди. Ана шундай учрашувлар жараёнида сайловчиларнинг тафаккури ўзгарганлигининг, эндиликда бўлажак депутатлар Ватанимиз истиқболини белгилаб берувчи қонунлар яратиш билан шуғулланишларини идрок этганликларининг гувоҳи бўлдим. Бу мен учун қувонарли эди.

Бир сўз билан айтганда вилоятимизда жойлашган 827та сайлов участкалари бўлажак сайловларга ҳар томонлама пухта тайёрланди. Сайловчиларнинг овоз беришлари учун тўла шарт-шароитлар яратилди.

Мен имкониятдан фойдаланиб, вилоятимизнинг барча сайловчиларини эртага — 5 декабрь куни бўладиган сайловларда фаол иштирок этишга ва ўзларининг муносиб депутатларини сайлаб олишга чақираман.

Фаррух МИРЗААҲМЕДОВ,
вилоят сайлов комиссиясининг раиси.

САЙЛОВ УЧАСТКАЛАРИГА МАРҲАМАТ!

Вилоятимизда халқ депутатлари вилоят кенгашига сайлов ўтказувчи 54та сайлов округлари ташкил этилган. Уларга қарашли 827 сайлов участкалари бўйича 1 миллион 226 минг 696 нафар сайловчи, шу жумладан 41 минг 828 нафар 18 ёшли йигит-қизлар овоз беришда иштирок этадилар

• Мулоқот •

БИЗДА ШУНДАЙ ФИКР БОР

Бозорхўжа ЭШОНХЎЖАЕВ, Юқоричирчиқ туманидаги «Соҳибкор» жамоа хўжалиги раиси:

— ИЛГАРИЛАРИ неча марта сайловолди ташвиқотларида қатнашган бўлсам, бу йилгидек мунозарали бўлганлигини кўрмаган эдим. Демак, номзодлар ҳам, сайловчилар ҳам ҳозирги сайловларнинг моҳиятини, ўз зиммаларида турган масъулиятни тушуниб етмоқдалар.

Фақат энди овоз бериш чоғида адашмаслигимиз керак. Хусусан, мен қишлоқ хўжалиги мутахассиси бўлганим учун кўпроқ ерга бўлган муносабат ҳақида кўп ўйлайман. Тўғрисини айтсам, она заминга етарлича эътибор бермай қўйдик.

Кейинги йиллар ичида дала меҳнатида оилавий пудрат усули қўл келаётганлиги сир эмас. Шартнома асосида оилаларга ер узоқ муддатга тақсимлаб берилди. Лекин, ҳамма ҳам ризқ-рўз манбаига бирдек ғамхўр бўлавермайди. Буни ҳаётий тажриба ҳам яққол кўрсатди. Айрим оилалар гектаридан 35-40 центнердан ғалла олганлари ҳолда, баъзилари аранг 21-22 центнерга етказдилар.

Шу муносабат билан менинг парламентга энди сайланаётган депутатларга илтимосим бор. Оилавий пудрат шароитида ерга муносабат йўналишида алоҳида қонун ишлаб чиқиш керак. Токи ҳар бир ер эгаси уни парвариши ҳақида ўйласин. Заминимиз келгуси авлодлар қўлига ўтганда ҳам саҳоватини аямасин.

Раъно АБДУРАҲМОНОВА, Ўртачирчиқ туманидаги «Янги тўлқин» жамоа хўжалиги иш юритувчиси:

— БУНДАН беш йил аввал сайланган депутатларимиз республикамиз равнақи йўлида кўп ишлар қилишди. Ишлаб чиқилган қонунларнинг аксарияти инсон қадр-қимматини юксак кўтариш, оилани ижтимоий муҳофаза этиш, аёлларнинг жамиятдаги мавқеини ошириш, ёш авлод тарбияси масалаларига қаратилди. Энг муҳими ана шу йўналишдаги қонунлар амалда қўлланмокда. Лекин менинг назаримда Олий Мажлис сессиялари кўпинча сип-силлиқ ўтаётгандек. Депутатларнинг у ёки бу қонун лойиҳаси бўйича жиддий мунозаралари, таклиф, истаклари сезилмайди.

Мен бу ҳақда бежиз гапираётганим йўқ. Бу йил депутатликка номзодларнинг меҳнаткашлар билан учрашувлари пайтидаги тортишувларининг, ўз дастурларини ҳимоя қилиш учун жон дилдан қуюниб сўзлашларининг гувоҳи бўлдим. Шундай «қизишишлар» сессияларда ҳам бўлса, балки кўплаб қонунларимизнинг амалий қудрати узоққа етармиди, деб ўйлайман. Хусусан, жамиятимизда инсон ҳуқуқларини муҳофаза этишга доир қонунлар талаб даражасида ишлаяпти, деб бўлмайди. Энг ачинарлиси, бундай қонунларда мансабдор шахсларнинг ўзлари ҳабардор эмаслар. Кўп ҳолларда фуқароларнинг сарсон бўлишлари, мурожаатларига эътиборсизлик шундан келиб чиқмокда.

Президентимиз ҳуқуқий саводхонликни ошириш масаласини бежиз қўяётганлари йўқ. Олий Мажлисга сайловлар ўтгач, депутатлар дастлабки сессияларидаёқ раҳбарнинг ҳуқуқий саводхонлиги тўғрисидаги бирон бир меъёрий ҳужжат ҳақида ўйлаб кўрсалар яхши бўларди. •

ЁРҚИН ИСТИҚБОЛ ВА ТАРАҚҚИЁТ УЧУН!

ҲАЛ ҚИЛУВЧИ — ЎЗИНГИЗ!

Сайловчилар фикр-мулоҳазалари билан бевосита танишиш мақсадида «Тошкент ҳақиқати» таҳририятида тезкор гуруҳ ташкил қилингани ҳақида ёзиб, телефон рақамларини маълум қилгандик. Гапнинг рости, вилоят шаҳар ва туманларидан код орқали шаҳар телефонига чиқиш малол келиши боис, сим қоқиб бизга мурожаат қилувчилар кам бўлади деб, ўйлагандик. Адашган эканмиз.

Сайловлар вилоят аҳлини анча жунбушга келтиргани, бу муҳим сиёсий тадбир ёшу қари — барчани бир хилда фаол қилиб қўйганининг гувоҳи бўляпмиз. Аввалги сайловлардан фарқли ўлароқ, депутатликка номзодлар ҳам, округ ва сайлов участкалари комиссиялари аъзолари ҳам, бевосита сайловчиларнинг ўзлари ҳам тиним билмай қолишди. Шу аснода, бизга телефон орқали мурожаатларда ҳам куюнчаклик ҳарорати сезилиб туради.

— Исмим Гулбиби, чеварман, — дея гап бошлади телефонда мурожаат қилган бир онахон. — Чиноздан қўнғироқ қиляпман. Сайловлар ҳақида гап чиққани ҳамоноқ, қизим билан келишиб, аёл номзодлардан бирига овоз берамиз, деб келишиб қўйгандик. Буни қарангки, вилоят Кенгаши депутатлигига шундай аёл бор. Лекин, Олий Мажлис депутатлигига номзодларнинг ҳар иккиси ҳам эркак...

Онахонга, гап сайланажак депутатларнинг эркак ёки аёллигида эмас, балки уларнинг мамлакат миқёсида ижтимоий-сиёсий, маънавий, иқтисодий ҳаётга дахлдор, жаҳон андозалари даражасидаги қонунлар қабул қилиниши учун етарли фазилатлар ва хислатларга эгалигида эканлигини тушунтирдик.

Навбатдаги телефон қилган одам бўлиб ўтган учрашувларда номзодларнинг бирортаси аниқроқ ваъда бермаганидан нолиди.

— Исмим Муродбек, фамилиям Авазов. Чорвоқдан телефон қиляпман. Иккита учрашувда қатнашдим. Бирорта номзод у ёки бу камчилигингни тузатаман, демайди. Аввалари, қанча ваъдалар бериларди...

— Ҳа, акажон, — дедик унга жавобан. — Чиндан ҳам аввалари шундай эди. Энди депутат чойхона ёки сартарошхона қуриб берадиган ёки йўлга асфальт ётқизадиган маҳаллий ҳокимият вакили вазифасини бажаришини ваъда қилиб, одамлар қўйнини пуч ёнғоқ тўлдирувчи устомон эмас, балки барча ривожланган мамлакатларда бўлганидек, давлат, элу юрт истиқболи учун юксак даражадаги қонунлар қабул қилишга ақли, тафаккури етадиган инсон бўлиши лозим.

— Чирчиқдан Фотима Рўзиеваман, — деб гап бошлади яна бир қўнғироқ қилган аёл. — Номзодлар билан учрашувда бўлдим. Гапнинг очиғи, уларнинг бари ҳам боббў, ишнинг кўзини биладиган, мартабаси улуғ одамлар экан. Қай бирига овоз беришни билмай қолдим..

— Иккиланиб қолган бўлсангиз, — дедик мурожаат этувчига жавобан, — яна бир бор номзодларни кўз ўнгингиздан ўтказиб, уларнинг чиқишларини эсланг. Улар ўзини депутатликдек масъулиятли вазифага қодир деб ҳисоблайдими, фидойилик кўрсатишга тайёрми? Сохта обрў келтирувчи қуруқ ваъдалар, баландпарвоз шиорлардан холи, фуқароларнинг ҳаётий эҳтиёжларига мувофиқ, аниқ асосларга эга дастури мавжудми? Фалон нарсанинг нархини туширишкерак, фалончиларнинг маошини ошириш керак қабилидаги таг-замини йўқ, бозор иқтисодиёти қонунлари талаблари асосида далилланмаган пуч гаплар билан сайловчиларнинг бошларини айлантирмаяптими? Шуларга эътибор беринг.

Хуллас, шу зайил қўнғироқлар кўп бўляпти. Сайловчилар ўз фикр-мулоҳазаларини биз билан ўртоқлашаётганлари қувончли. Қўлимиздан келганича маслаҳат беряпмиз. Аммо, эртага ҳал қилувчи одам — Сизнинг ўзингиз. ИШОНАМИЗКИ, ЭНГ МУНОСИБ ОДАМЛАР УЧУН ОВОЗ БЕРАСИЗ, АЗИЗ САЙЛОВЧИ.

Тезкор гуруҳ навбатчиси
У. ҲИКМАТОВ.

БЎЛАЖАК сайловларга Ангрен шаҳар сайлов комиссияси аъзолари ҳам пухта ҳозирлик билан келмоқдалар. Кунда, кунаро участка сайлов комиссиялари раислари ҳамда котибларининг ҳисоботлари тингланмоқда, сайловчиларнинг турли саволлари, мурожаатларига тезкор жавоб берилмоқда.

Суратда: шаҳар сайлов комиссияси раиси Иноят Сайфуддинов сайловчилар — Алфия Магдиева ҳамда Улбўсин Мирзааҳмедовалар билан мулоқотда.

Пастдаги сурат эса, Оҳангарон туманининг Ёнариқ қишлоғидаги 174-сайлов участкасида тасвирга туширилган. Участка сайлов комиссияси котибаси (ўнгдан иккинчи) Равшаной Давлатова сайловчилар даврасида.

Даврон АҲМАД олган суратлар.

ТАНИШДИМ, ТАНЛАДИМ

Шаҳримизда Олий Мажлис, халқ депутатлари вилоят ва Ангрен шаҳар Кенгашларига депутатлар сайланади. Сайловчиларнинг депутатликка номзодлар билан учрашувлари бир неча мартадан уюштирилди, илгари эса у бир мартагина, ўшанда ҳам тор доирада ўтказиларди ёки бўлмасди. Бу гал бундай мулоқотлар ҳар бир депутатликка номзод билан меҳнат жамоаларида, маҳаллаларда такрор-такрор ўтказилди. Бу номзодларнинг кимлигини, нималарга қодир эканлигини, ҳаракат дастури муфассал билиб олиш имконини берди. Энг муҳими биз номзодлар орасидан ўзимизга ҳар томонлама мақбул бўлганларини танлаб олишимиз ҳам мумкин бўлди. Бошқа сайловчиларни билмайману мен Олий Мажлис, халқ депутатлари вилоят ва шаҳар кенгашлари депутатлигига номзодларни танладим. Эртага улар учун овоз бериб, ўзимнинг муқаддас фуқаролик бурчимни мамнуният билан адо этаман.

Равшаной АЙДАРОВА,
Ангрен шаҳар ҳудудий тиббиёт бирлашмаси бош шифокорининг ўринбосари.

ХОРИЖДАГИ ФУҚАРОЛАРИМИЗ ҲАМ ҚАТНАШАДИЛАР

Эртага — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловлар куни. Давлатимизнинг ҳар бир фуқароси масъулиятли ва зиммасига кўп вазифаларни юкловчи депутатликка муносиб энг лойиқ, деб ҳисоблаган кишисига овоз беради.

Ушбу муҳим тадбирда ҳозирда хорижда яшаётган Ўзбекистон фуқаролари ҳам иштирок этадилар. Улар қаторига Ўзбекистон Республикасининг хорижий ваколатхоналари ходимлари, уларнинг оила-аъзолари ҳамда сайлов кунигача балоғат ёшига етган фарзандлари киради. Сайловчилар орасида шу кунларда иш юзасидан қисқа муддатли хорижий сафарда юрган юртдошларимиз ҳам бор. Сайлов бюллетенларини «Умид» жамғармаси йўлланмаси билан хорижий университетларда таҳсил олаётган талабаларимиз ҳам оладилар.

Республикамизнинг элчихона ва консулхоналари мавжуд бўлган хорижий мамлакатларнинг қиркдан ортиқ шаҳарларида сайлов участкалари ташкил этилган. Сайлов бюллетенлари айни пайтда кўплаб ватандошларимиз истиқомат қилаётган АҚШ, Корея, Буюк Британия, Россия Федерациясига юборилди.

Ўзбекистон Республикасининг хорижий ваколатхоналарида бўлажак сайловларга тайёргарлик ишлари депутатликка номзодларни рўйхатга олиш бошланган кундан бошланди. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги мамлакатимизнинг барча элчихона ҳамда консулхоналарига сайловлар учун махсус тайёрланган брошюралар, сайловда қатнашиш рухсат этилган барча бешта партиянинг сайловолди дастурлари, шунингдек бўлажак сайловларга бағишланган плакатларни олдиндан юборган. Ҳар бир сайловчи ўзи овоз берадиган округда рўйхатдан ўтган номзодларнинг сайловолди дастури ва таржимаи ҳоли билан танишиш имконига эга бўлди. Бундан ташқари, барча хорижий дипломатик ваколатхоналарда республикамизнинг бугунги кунини акс эттирувчи, мамлакат ташқи ва ички сиёсати, унинг мустақиллик йилларида эришган ютуқлари тўғрисида маълумот берувчи стендлар ташкил этилди.

Жойларда сайловчилар билан учрашувлар бўлиб ўтди. Фуқароларимизга бу галги сайловларнинг ўзгачалиги, унинг мамлакатимиз ва унинг алоҳида олинган ҳар бир фуқароси ҳаётидаги тарихий ва сиёсий аҳамияти тўғрисида суҳбатлар уюштирилди. Учрашувларда кўп сонли сайловчилар Ўзбекистондаги сайлов кампаниясининг бориши тўғрисида кўплаб саволлар билан мурожаат қилдилар, биринчи чақириқ Олий Мажлис фаолиятига баҳо бердилар.

Учрашувлар иштирокчилари эртага бўлиб ўтадиган сайловларда иштирок этиб, 8-Миробод сайлов округининг 13-сайлов участкасида рўйхатдан ўтган ўзлари танлаган номзодларга овоз беришларини қайд этдилар.

Ўзбекистон Республикасининг мамлакат ташқарисида юрган ҳеч қайси фуқароси эътибордан четда қолгани йўқ, деярли барча ватандошларимиз ўзларининг конституциявий ҳуқуқларидан фойдаланишга, яъни ўзлари танлаган номзодга овоз бериш имконига эга бўладилар.

Лайло АЗИЗОВА,
«Жаҳон» АА.

ТЕЛЕ кўрсатувлар дастури

ДУШАНБА, 6

ЎзТВ I

Профилактика, муносабати билан душанба, 6 ноябр «Ўзбекистон-I» телеканали кўрсатувлари соат 6.30 дан 16.00 гача

ЎзТВ II «Ешлар» телеканали орқали намойиш этилади.

16.00 «Ибн шифо-улашар даво».
16.10 «Мафусаил». Бадиий фильм.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Ўзгу». Тележурнал.
18.30 «Банк тизими: минтаб соатдан бир неча дақиқагача».
18.50 «Бахтли воқеа».
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Биржа ва банк хабарлари.
20.10 Оқшом эрталари.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Озодлик». Видеофильм. 1-қисм.
21.30 «Оҳанга тўлсин диёр».
22.05 «Мулкдор».
22.25 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари». Телесериал. 104-қисм.
23.10 «Маънавият» дастури.
24.00 «Ахборот».
00.30 «Аршин мол-олон». Бадиий фильм. 1.50-1.55 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ II

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.40 «Ахборот».

*

8.40 «Қайҳун ғаройиблари». Концерт.
9.10 «Ўзлик». Бадиий-публицистик кўрсатув.
9.40 «Ўзбектелефильм» намойиши: «Санъат ошёнаси».
10.05 «Олтин тожи». Телевизион ўйин.
10.25 Кундузги сеанс: «Кин-дза-дза».
10.40 «Баркамол авлод орзуси».
12.05 Ғ.Ғулом номидаги Ўзбекистон телерадиокомпанияси дуторчилар ансамблининг концерти.
12.35 «Иқтисод ва биз».
13.00 О.Эргаш «Дала ўртасидаги дарахт». Видеофильм.
14.10 «Ринг». Бокс бўйича Жаксон халқаро хотира турнири. Финал.
14.45 «Оламга саёҳат».
15.05 Ватан тимсоллари.
15.10 «Очиқ эшиклар достони».
18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Янги авлод» студияси намойиш этади: («Олтин халқ», Мультомоша)
18.35 «ТВ-совҳоз».
18.55 «Мусиқий лаҳзалар».
19.00 «Даврə». Ахборот дастури.
19.35 «Истеъдод».
19.45 «Олтин мерос». Ажиниёз Қўсибой ўғлининг 175-йиллигига.
19.55 «Ешлик баёзи».
20.00 «Ҳаҳон». Халқаро шарҳ.
20.30 «Ҳақиқат чегараси». Телесериал.
21.00 «Қаровҳ». Ешларнинг конституцион ҳуқуқ ва эркинликлари.
21.20 «Дастхат».
21.40 «Премьерадан сўнг...»
21.55 «Мусиқий лаҳзалар».
22.00 «Даврə». Ахборот дастури.
22.35 «Муҳаббат қаҳваси». Телесериал.
23.20 «Ешлар» телеканалида спорт дастури. Теннис.
00.20 «Шарқ эстрадаси».
00.35 «Янги тонг».

ЎзТВ III

17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 «Ёриптош». Мультфилм.
18.15 «Сен ҳақингда ва сен учун»
18.30, 21.30, 22.30 «Пойтахт». Ахборот кўрсатуви.
18.45 Телегазета «Экспресс». «Табриклаймиз-куттаймиз»
19.15 «Ёвойи табиат»
19.55 Ойбек. «Алишер Навоий». Видеофильм. 13-қисм.
20.30 «Ахборот»
21.05 «Лирик тароналар»
21.45 «Халқ саломатлиги йўлида»
22.15 «Бурч ва маъсулият»
22.45 «Индабоа». Телесериал. 23-серия.
23.10 «Спорт-тайм»
23.30 Оқшомги эрталар.
23.40 Кинонигоҳ.
1.50 «Пойтахт». Ахборот кўрсатуви.
2.05 «Ҳайрли тун, шаҳрим!»

ЎзТВ IV
РЖТ 7.30-9.00
***
15.05-16.10 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
***
16.10 «СНН. Жаҳон янгиликлари».
16.40 «Тоғли оғу». Телесериал.
17.40 «Мультчарҳпалак».
17.55 «Комиссар Рекс». Телесериал.
18.50 «Дил изҳори».
18.55 «Сени излаймаман».
19.40 «Кутиш залы». Кўп қисмли бадиий фильм. 2-қисм.
20.45 «Ҳайрли тун, кичкинтойлар!»
21.00 «Время».

***

21.50 «Ўғрини ушла». Телесериал.
22.15 «Оламда нима гап?» Ахборот кўрсатуви.
22.25 «Дил изҳори».
22.30 «Вести».
23.00 «Спорт-клуб».
23.15 Кинематограф.
00.45 «Ахборот» (рус тилида)
1.10 «Тунингиз осуда бўлсин!»

СЕШАНБА, 7

ЎзТВ I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот».

*

8.30 Марказий газеталар шарҳи.
8.45 Лирик тароналар.
9.15 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари». Телесериал. 104-қисм.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 Янги алифбони ўрганамиз.
10.30 Болалар учун. «Санъат гунчалари».
10.55 Кундузги сеанс: «Кин-дза-дза». Бадиий фильм. 2-серия.
12.05 «Энг гуллаган ёшлик чоғимда».
12.25 «Мусиқий саёҳат».
12.45 «Маънавият» дастури.
13.35 «Озодлик». Видеофильм. 1-қисм.
14.10 «Қалбимда ўзинг, юртим!» Мусиқий дастур.
14.45 «Бешбармоқ». Тележурнал.
15.05 «Ўзбек спортининг нуфузи».
15.20 «Чиполино». Мультфилм.
16.00 Ўзбекистон Республикаси Конституцияси кунига бағишланган тантанали йиғилиш ва концерт («Туркистон» саройидан олиб кўрсатилади)
18.10 «Вақтинг кетдиз».
18.25 «Банк тизими: пул ҳисобни хуш кўрадиз».
18.45 «Истеъдод». Мусиқий дастур.
19.05 «Бинокор».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 «Зиё».
20.10 Оқшом эрталари.
20.30 «Ахборот».
21.05 Ўзбекистон Республикаси Конституцияси кунига бағишланган тантанали йиғилиш ва концерт.
23.05 «Озодлик». Видеофильм. 2-қисм.
23.30 «Кўшиғимиз Сизга армуғон». Мусиқий дастур.
24.00 «Ахборот».
00.30 «Мафтунингман». Бадиий фильм.
1.50-1.55 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари». Телесериал 104-қисм.
18.50 «Мусиқий лаҳзалар».
19.00 «Даврə». Ахборот дастури.
19.35 «Мунисам».
19.55 «Олтин мерос».
20.00 «Парламент». Сайлов тафсилотлари.
20.15 «Мутолаа». Оғаҳийнинг 190 йиллигига.
19.30, 20.30, 21.00, 22.30 Эълонлар.
20.35 «Ҳақиқат чегараси». Телесериал.
21.05 «Мард-майдон».
21.25 «Ешлар овози».
21.55 «Мусиқий лаҳзалар».
22.00 «Даврə». Ахборот дастури.
22.35 «Муҳаббат қаҳваси». Телесериал.
23.20 «Ешлар» телеканалида спорт дастури. Футбол. Чемпионлар лигаси. 1-кисм.
00.20 «Шарқ эстрадаси».
00.35 «Янги тонг».

ЎзТВ III

17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 «Ёриптош». Мультфилм.
18.15 «Сен ҳақингда ва сен учун»
18.30, 21.30 «Пойтахт». Ахборот кўрсатуви.
18.45 Телегазета «Экспресс». «Табриклаймиз-куттаймиз»
19.15 «Ёвойи табиат»
19.55 Ойбек. «Алишер Навоий». Видеофильм. 14-қисм.
20.20 Екимли оҳанглар.
20.25, 21.00 Эълонлар.
20.30 «Ахборот»
21.05 Ўзбекистон республикаси Конституцияси кунига бағишланган тантанали йиғилиш ва концерт.
23.05 «Туризм ҳақида». Хафталик шарҳ.
23.35 «Спорт оламида»
23.50 Оқшомги эрталар ва эълонлар.
00.00 Кинонигоҳ.
1.35 «Пойтахт». Ахборот кўрсатуви.
1.50 «Ҳайрли тун, шаҳрим!»

ЎзТВ IV
РЖТ 7.30-9.00
***
15.00 Кўрсатувлар тартиби.
***
15.05-16.10 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
***
16.10 «СНН. Жаҳон янгиликлари».
16.40 «Тоғли оғу». Телесериал.
17.40 «Мультчарҳпалак».
17.55 «Комиссар Рекс». Телесериал.
18.50 «Дил изҳори».
19.40 «Кутиш залы». Кўп қисмли бадиий фильм. 2-қисм.
20.45 «Ҳайрли тун, кичкинтойлар!»
21.00 «Время».

***

21.50 «Ўғрини ушла». Телесериал.
22.15 «Оламда нима гап?» Ахборот кўрсатуви.
22.25 «Дил изҳори».
22.30 «Вести».
23.00 «Спорт-клуб».
23.15 Кинематограф.
00.45 «Ахборот» (рус тилида)
1.10 «Тунингиз осуда бўлсин!»

ЧОРШАНБА, 8

ЎзТВ I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот».

*

8.30 Марказий газеталар шарҳи.
8.45 «Бахт қомусий». Мусиқий дастур.
9.05 «Юксалиш оғилда».
9.20 Байрам табриги.
9.30 «Юрт ўғлонлари». Спорт дастури.
9.45 Болалар учун. «Гулғунчалар».
10.00 «Янгиланиш».
10.20 «Куйла, ёшлигим». Мусиқий дастур.
10.45 «Кукукий жамият сирлари».
11.05 «Телевизион миниатюралар театри».
11.40 Болалар учун. «Гулғунчалар».
12.00 «Озодлик». Видеофильм. 2-қисм.
12.30 «Остонаси тиллодан». Адабий кўрсатув.
13.00 Ўзбекистон Республикаси Конституцияси кунига бағишланган тантанали йиғилиш ва концерт.
15.00 «Ҳаҳон спорти».
15.20 «Қайноғалик келин». Теленовелла.
15.45 «Битта байроқ остида».
16.00 «Кўшиғимдасан Ватан». Мусиқий дастур.
16.20 «Ғанчалик болалар». Бадиий фильм.
17.40 «Конституция-менинг тақдиримда».
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Умид учқунлари». Тележурнал.
18.35 «Банк тизими: ҳодим қандай бўлмоғи керак?»
18.55 «Бир наво истар кўнгил». Мусиқий дастур.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 «Таълим-тарбия миллий дастури амалда».
20.10 «Аруз тулпори».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Озодлик». Видеофильм. 3-қисм.
21.30 «Маърифатнома». Эътиқод эркинлиги.
21.50 «Бу тулпан сўз». Мусиқий бадиий дастур.
22.35 «Жовҳар». Публицистик кўрсатув.

«Умид» намойиш этади:

22.55 «Газалхон ёшлигима».
23.25 «Ахборот».
23.55 «Тоҳир ва Зуҳра». Бадиий фильм.
1.30-1.35 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ II

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Ватан маҳзи».
9.10 «Янги авлод» студияси намойиш этади («Катта ғанаффуз» концерти, «Мультомоша»)
9.50 «Шум бола». Бадиий фильм.
11.20 «Алпомиш» достонинг 1000 йиллигига бағишланган тантанали концерт «Маслаҳат».
13.30 «Ўзбектелефильм» намойиш этади. «Мусиқа бўстони».
14.00 Синема. «Ойдан тушган малика».
15.50 «Дунёга йўл».
16.10 «Қалқим». Юлдуз Усмонова концерти.
16.50 «Обид-шоу». Мусиқий лаҳзалар.

***

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Янги авлод» студияси намойиш этади («Кувнок учрашув», Мультомоша)
18.35 «Рақслар қанотида».
18.55 «Ешлар» телеканалида.
19.00 «Даврə». Ахборот дастури.
19.35 «Олтин мерос».
19.40 «Рақурс». Конституция-демократик қомус.
20.00 «Спорт-лото».
20.10 «Лоззат».
19.30, 20.30, 22.30 Эълонлар.
20.35 «Далил ва шарҳ». Конституция-ягона ғоя.
20.45 «XXI аср сари «Содо 99» профессионал қўшиқчилар кўрик танловида».
21.55 «Ешлар» телеканалида.
22.00 «Даврə». Ахборот дастури.
22.30 «XXI аср сари. «Содо 99» профессионал қўшиқчилар кўрик танловида (давоми)
23.40 «Ешлар» телеканалида спорт дастури. Футбол. Чемпионлар лигаси.
1.10-1.30 «Хит-коллекция».

ЎзТВ III

9.00 «Ёриптош». Мультфилм.
9.30 Болалар учун. «Совға»
10.00 «Осойишталик посбонлари»
10.15 «Маржон»
10.35 «Тошкент ва тошкентликлар»
10.50 Болажонлар экрани «Аччиқ данак»
11.55 «Жозиба»
12.15 «ТВ ва Театр»
12.45-14.00 Кинонигоҳ. «Қайнона»

***

17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 Мультфилм.
18.20 «Мусиқоба»
18.30, 21.30, 22.30 «Пойтахт».
18.45 Телегазета «Экспресс». «Табриклаймиз-куттаймиз»
19.15 «Ёвойи табиат»
19.55 Ойбек.«Алишер Навоий». Видеофильм. 15-қисм.
20.30 «Ахборот»
21.05 «Ҳусусийлаштириш: қадам-бақадам»
21.45 «Ривоят»
22.05 «Маржон». Конституция кунига бағишланади.
22.20 «Мумтоз қўшиқлар»
22.45 «Индабоа». Телесериал. 24-серия.
23.10 «Йўллар, мақсадлар туташганда»
23.30 «Ўзгу». Тележурнал.
23.50 Оқшомги эрталар ва эълонлар.
00.00 Кинонигоҳ. «Неворам милициядо ишлайди»
1.25 «Пойтахт». Ахборот кўрсатуви.
1.40 «Ҳайрли тун, шаҳрим!»

ЎзТВ IV
РЖТ 7.30-9.00
***
15.00 Кўрсатувлар тартиби.
***
15.05-16.10 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
***
16.10 «СНН. Жаҳон янгиликлари».
16.40 «Тоғли оғу». Телесериал.
17.40 «Мультчарҳпалак».
***
17.55 «Комиссар Рекс». Телесериал.
***
18.50 «Дил изҳори».
***
18.55 «Инсон ва қонун».
19.40 «Кутиш залы». Кўп қисмли бадиий фильм. 3-қисм.
20.45 «Ҳайрли тун, кичкинтойлар!»
21.00 «Время».

***

21.50 «Ўғрини ушла». Телесериал.
22.15 «Эътироф». Конституция кунига бағишланди.
22.25 «Дил изҳори».
22.30 «Вести».
23.00 «Океан ортида саёҳат. Япония».
23.15 «Оламда нима гап?» Ахборот кўрсатуви.
23.25 Кинематограф: «Сир». Бадиий фильм.
00.55 «Ахборот» (рус тилида)
1.20 «Тунингиз осуда бўлсин!»

ПАЙШАНБА, 9

ЎзТВ I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот»
8.30 Марказий газеталар шарҳи.
8.45 «Ўстоз».
9.05 «Рақслар гулдастаси».
9.25 «Олимпиадачилар оромгоҳида». Спорт дастури.
9.40 Ойдин келажак йўлида.
10.05 «Инсон-ҳаёт гулдаҳи».
10.25 Болалар учун. «Севимли созим».
10.45 Кундузги сеанс: «Ошиқ ғариб». Бадиий фильм.
12.05 «Талаб ва талқин».
12.25 «Ажаб саодат эрур...».
12.45 «Водий кубоги». Кўп жанги бўйича республика биринчилиги.
13.00 «Мухлис ёҳуд кўшиқ изидан». Мусиқий дастур.
13.35 «Озодлик». Видеофильм. 3-қисм.
14.10 «Кулги-терапия».
14.50 «Сиҳат-саломатлик» почтаси.
15.10 «Опера санъати соҳифаларида».
15.40 «Юртим жамоли».
16.00 «Сабр косаси». Бадиий фильм.
17.25 «Ҳаритə». Халқаро шарҳ.
17.40 «Жаҳоннинг хазинаси». Адабий кўрсатув.
18.10 Болалар учун. «Фарзанд-умид юлдузи».
18.30 «Банк тизими: барқарорликдан ривожланиш сари».
18.50 Мумтоз наволар.
19.00 «Ҳидоят сари».
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
19.55 «Юзма-юз».
20.10 Оқшом эрталари.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Озодлик». Видеофильм. 4-қисм.
21.40 «Сайловлар ва биз». Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига ва маҳаллий кенгашларга сайловлар яқинларига доир.
22.05 «Муҳаббат сонеаси». Мусиқий дастур.
22.35 «Йўл юрсак ҳам мўл юрибмиз».
22.55 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари». Телесериал. 105-қисм.
23.40 «Ахборот».
00.10 «Somon йўли».
00.40-00.45 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари». Телесериал 105-қисм.
18.50 «Мусиқий лаҳзалар».
19.00 «Даврə». Ахборот дастури.
19.35 «Ешлар» телеканалида.
19.55 «Мусиқий лаҳзалар».
20.00 «Бегойим».
20.35 «Ҳақиқат чегараси». Телесериал.
21.05 «Олтин мерос».
21.10 «Иймон».
21.40 «Ешлар» телеканалида.
21.45 «Қалбим ардоғи». Мусиқий дастур.
22.00 «Даврə». Ахборот дастури.
22.35 «Муҳаббат қаҳваси». Телесериал.
23.20-1.20 «Ешлар» телеканалида спорт дастури: 1. Футбол. Чемпионлар лигаси, 2. «Спорт-китъаси».

ЎзТВ III

17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 «Ёриптош». Мультфилм.
18.30, 21.30, 22.30 «Пойтахт».
18.45 Телегазета «Экспресс». «Табриклаймиз-куттаймиз»
19.15 «Ёвойи табиат»
19.55 Ойбек. «Алишер Навоий». Видеофильм. 16-қисм.
20.30 «Ахборот»
21.05 «Тошкент ва тошкентликлар»
21.25 «Соғлиқ»
21.45 «Ривоят»
22.05 «Армуғон». Мусиқий кўрсатув.
22.45 «Индабоа». Телесериал. 25-серия.
23.10 «Эътиқод»
23.25 Оқшомги ва эълонлар.
23.35 Кинонигоҳ.
1.45 «Пойтахт». Ахборот кўрсатуви.
2.00 «Ҳайрли тун, шаҳрим!»

ЎзТВ IV
РЖТ 7.30-9.00
***
15.00 Кўрсатувлар тартиби.
15.05-16.10 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
16.10 «СНН. Жаҳон янгиликлари».
16.40 «Тоғли оғу». Телесериал.
17.40 «Мультчарҳпалак».
***
17.55 «Комиссар Рекс». Телесериал.
18.50 «Дил изҳори».
19.00 «Ўғрини ушла». Телесериал.
19.25 «ТВ-4 да Немис тўлқини».
***
19.40 «Кутиш залы». Кўп қисмли бадиий фильм. 4-қисм.
20.45 «Ҳайрли тун, кичкинтойлар!»
21.00 «Время».
21.50 «Қалбим юлдузи». Телесериал.
22.40 «Оламда нима гап?» Ахборот кўрсатуви.
22.45 «Кино сайёраси».
23.00 «Вести».
23.30 Кинематограф. Сильвестр Сталлоне «Кобра» фильмида.
00.50 «Ахборот» (рус тилида)
1.15 «Тунингиз осуда бўлсин!»

ЖУМА, 10

ЎзТВ I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот».
8.30 Марказий газеталар шарҳи.
8.50 «Камолот сари».
9.10 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари». Телесериал. 105-қисм.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар
10.05 Немис тили.
10.35 Кундузги сеанс: «Иф қалъасининг маҳбуси. Аббат Фариа». Бадиий фильм. 1-серия.
11.40 «Теран томирлар».
12.05 «Somon йўли».

«Умид» намойиш этади:

12.35 «Соғлом-авлод учун».
13.00 «Очиқ дарс».
13.25 «Озодлик». Видеофильм. 4-қисм.
14.10 «Инсон ва замин». Тележурнал.
14.30 Болалар учун. «Қизиқарли учрашувлар».
15.00 «Қалб гавҳари».
15.20 «Машриқ оҳанглари».
15.40 «Сайқал».
16.00 «Телевқутбхона».
16.10 «Париларнинг кузги совғаси». Бадиий фильм.
17.20 Мумтоз наволар.
17.40 «Буни умр дерлар».
18.10 Болалар учун. «Бир сиқим тупроқ».
18.30 «Банк тизими: дунёдаги ўринимиз».
18.50 Бир жуфт қўшиқ.
19.00 «Ғаянч нуқтаси».
19.15 Рамазон ойи-покланиш ойи.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 «Рақибингиз гроссмейстер».
20.10 Оқшом эрталари.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Озодлик». Видеофильм. 5-қисм.
21.30 «Нолм ва новоз». Оғаҳий лирикаси.
22.20 «Иқбол». Қизлар танлови.
23.00 «Узлигинг-намоён қил» Эҳронда-Қорақалпоғистон Республикаси.
23.30 «Ахборот».
24.00 «Бободош». Бадиий фильм.
1.15-1.20 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ II

18.05 «Янги авлод» студияси намойиш этади («Келинг танишайлик», Мультомоша)
18.40 «Ешлар ва маънавият».
18.55 «Мусиқий лаҳзалар».
19.00 «Даврə». Ахборот дастури.
19.35 «Саломат бўлинг».
19.55 «Олтин мерос».
20.00 «Аср кийфоси».
20.15 «Наволарда ойн этсам». Мусиқий дастур.
19.30, 20.25, 20.55, 23.45 Эълонлар.
20.30 «Ҳақиқат чегараси». Телесериал.
21.00 «Азизим».
21.40 «Автосаргатанг».
21.55 «Ешлар» телеканалида.
22.00 «Даврə». Ахборот дастури.
22.30 «Ешлар» телеканалида спорт дастури. «Ринг қироллари».
23.30 «Жаҳон эстрадаси».
23.50 Синема: «Киборг полициячи». 1-қисм.
1.20 «Мунаввар тонг ислоҳ».

ЎзТВ III

9.00 «Ёриптош». Мультфилм.
9.20 «Қуғилл тароналари».
9.40 Болажонлар экрани. «Шайтонвачча»
10.55 «Спорт оламида»
11.10 «Ҳодиржон. «Мозийдан нур». Миллий рокс томошолари.
12.05 Кинонигоҳ.
14.15 «Ер сайёрасининг 6 миллиарди фарзанди»
15.00-15.15 «Пойтахт». Ахборот кўрсатуви.
18.00 «Ёриптош». Мультфилм.
18.15 «Оғаҳий».
18.30, 21.30, 22.30 «Пойтахт». Ахборот кўрсатуви.
18.45 Телегазета «Экспресс». «Табриклаймиз-куттаймиз»
19.15 «Ёвойи табиат»
19.55 Ойбек. «Алишер Навоий». Видеофилм. 17-қисм.
20.25, 21.00 Эълонлар.
20.30 «Ахборот»
21.05 «Мехржон-99». Халқаро ноғиронлар кунига бағишланган хайрия тадбири.
21.45 «Мехржон-99». (Давоми).
22.15 «Саломатлик чорраҳаси»
22.45 «Тап тортмаслар». Телесериал. 1-серия.
23.10 Оқшомги ва эълонлар.
23.20 Кинонигоҳ. «Шерлок Холмс ва доктор Ватсоннинг саргузаштлари». 2-фильм. 3-серия.
00.05 «Пойтахт». Ахборот кўрсатуви.
00.20 «Ўзбектелефильм» намойиш этади.
1.05 «Ҳайрли тун, шаҳрим!»

ЎзТВ IV
РЖТ 7.30-9.00
***
15.00 Кўрсатувлар тартиби.
***
15.05-16.10 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
***
16.10 «СНН. Жаҳон янгиликлари».
16.40 «Тоғли оғу». Телесериал.
17.40 «Мультчарҳпалак».
***
17.55 «Комиссар Рекс». Телесериал.
***
18.50 «Ўғрилар»нг янгиликлари».
19.00 «Дурдаршоҳ».
19.15 «СНН-шоу».
19.35 «Дил изҳори».
***
19.40 «Мўъжизалар майдони».
20.45 «Ҳайрли тун, кичкинтойлар!»
21.00 Время.
***
21.50 «Қалбим юлдузи». Телесериал.
22.45 «Олам

БОШ СИЛАГАН БОР БЎЛСИН

Куни кеча Янгийўл туманида Қувайт халқаро хайрия жамғармасининг Ўзбекистон бўлими ўзининг навбатдаги хайрия тадбирини ўтказди.

Унда ота ёки онасидан бевақт ажраган ҳамда кам таъминланган оилаларнинг 40 нафардан ортиқ фарзандлари ва уларнинг васийлари иштирок этишди. Халқаро жамғарманинг Ўзбекистон бўлими бошлиғи Гайед Джамал Бен Садок жаноблари ҳар бир оиланинг фарзанди номига 14 минг 475 сўмдан ёрдам пули ажратилганини баён қилди ҳамда бу маблағни оила васийларига топширди.

Шунингдек, халқаро ногиронлар куни муносабати билан бу ерга ташриф буюрган 30 нафар биринчи гуруҳ ногиронларини байрам билан қутлаб, уларга ҳам жамғарманинг совғалари топширилди.

Хайрия тадбирида вилоят ҳокимининг ўринбосари, вилоят хотин-қизлар қўмитаси раиси С. Хўжаева иштирок этди ва сўзга чиқди.

Гулзода ЮНУСОВА.

Ўзбекистонда архив хизматининг 80 йиллигига

ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ ХАЗИНАСИ

1999 йил Республикамиз архивчилари учун жуда омадли йил бўлди. Чунки, шу йили апрель ойида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 14-сессиясида «Архивлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинди. Ушбу Қонун архивларни шакллантириш, сақлаш ва улардан фойдаланишда юзага келадиган муносабатларни ҳамда Ўзбекистон Республикаси архив муассасалари фаолиятини тартибга солади. Қонун Ўзбекистон ҳудудида мавжуд бўлган барча архив ҳужжатларини тўлиқ қамраб олишга, Ўзбекистон Республикаси Миллий архив фондининг яхлитлигини сақлаб қолишга қаратилгандир.

Бундан 80 йил муқаддам 1919 йил 5 ноябрь куни Туркистон Республикаси Марказий ижроия қўмитасининг 62-рақамли «Архив ишини қайта кўриш ва марказлаштириш» ҳақидаги Низоми эълон қилинган. Ушбу тарихий низом бўйича, бутун Туркистонда бўлгани каби, Ўзбекистонда давлат архиви ташкил этилиб, барча жойларда махсус архив муассасалари юзага келди, барча ҳужжатлар ягона давлат архив фондига тўплана бошлади.

Ҳозирги вақтда Республикамизда жами 77та давлат архивлари мавжуд бўлиб, уларда юртимизнинг ижтимоий, сиёсий ва маданий ҳаётини ўзида акс эттирган 6 миллионга яқин ноёб ҳужжатлар сақланиб келинмоқда.

Архив ишининг 80 йиллиги муносабати билан Республикамиз архивчилари ушбу улуғ санани муносиб кутиб олиш учун ҳар томонлама қизғин иш олиб бормоқдалар. Барча архив ходимлари жойларда Ўзбекистонда архив хизматининг 80 йиллигига бағишлаб турли маросимлар ўтказмоқдалар, шу мавзуда Ўзбекистон телерадиокомпанияси билан ҳамкорликда кўрсатувлар ва радиоэшиттиришлар тайёрламоқдалар, вақтли матбуотда мақолалар нашр этилмоқда. Архив ҳужжатлари асосида турли ташкилотларда Республикамиздаги архивлар фаолияти ҳақида ҳикоя қилувчи фотокўргазмалар ташкил этилмоқда.

Ана шундай фотокўргазмалардан бири Ўзбекистон Республикаси кино, сурат ва овозли ҳужжатлар Марказий Давлат архиви ходимлари томонидан тайёрланди. Ушбу кўргазмада архив фондида сақланиб келаётган 20дан зиёд Ўзбекистондаги архив хизмати ҳақидаги фотосуратлар томошабинлар эътиборига ҳавола этилди.

Фурсатдан фойдаланиб, биз, Ўзбекистон Республикаси кино, сурат ва овозли ҳужжатлар Марказий Давлат архиви ходимлари барча ҳамкасабаларимизни ана шундай қутлуғ байрам билан табриклаб, уларнинг хайрли ишларида улкан ютуқлар тилаймиз.

Дилбар ЗОКИРОВА, ҳужжатлардан фойдаланиш бўлими мудири.

Дилкаш суҳбатлар

МАДИНАДА ЯНГРАГАН НАВО

Болалик чоғларимизда тўй биз учун буюк байрам эди. Карнай-сурнайларнинг овози чиқди дегунча қора-қура болалар тўйхонага чопардик. Ноғоранинг тараклаши, карнайнинг ғартиллаши, сурнайнинг ноласи бизни тамом маҳлиё қиларди. Тўй эгаси болаларни олдига солиб қувламоқчи бўлса, сурнайчи: «Қўйинг, ака, ундай қилманг, ҳали буларнинг тўйида сурнай чаламиз-ку, тўй боланиям ҳайдайсизми», деб ёнига чорларди. Кейин бир куйни чалиб берарди. Бир хил сурнайчилар ҳатто томоша қилгин деб, сурнайини қўлимизга тутқазишарди. Ҳарҳолда карнайчига қараганда сурнайчилар раҳмдилроқ кўринишарди бизга. Сурнайчиларни, айниқса, кексалар жуда иззат қиларди. Илтимос қилиб, «Сурнай навоси»ни чалдиришарди. Кейин оҳ-воҳ қилиб тинглашарди. Машҳур созанда, сурнайчи, «Шуҳрат» медали соҳиби Аҳмаджон Ҳожибоев билан учрашганимда болалик хотираларим қайта жонлангандек бўлди.

— Аҳмаджон ака, сурнайчи бўлгунингизгача бирорта соз чалганмисиз?

— Давлатилла Нуриллаевнинг гуруҳида ноғорачилик қилардим.

— Сурнайга ишқибозлигингиз қандай бошланган?

— Ўзи созанда аҳли барча созларни, барча миллий чолғу асбобларини чала олиши керак. Мен сурнайни — сизга ёлғон, менга чин — илк бор тушимда чалганман. Ўшанда йигирма икки ёшда эдим. Ҳали-ҳали эсимда. 1969 йилнинг 8 июли эди. Эртага чарлар дейдиган куни кечаси бир туш кўрдим. Тушимда ўн чоғли чолларнинг даврасида ўтирибман. Ҳаммаси оппоқ кийимда, оқ салла ўрашган. Уларга сурнайда «Наво»ни чалиб бераётганмишман. Азбароби берилиб кетганимдан кўзларим юмилганмиш. Кўзимни очиб қарасам, чоллар йиғлаётибди. Саллаларининг пешлари билан кўзларини артиб қўйишармиш. Куй тугагач улар: «Баракалла, сен бизни руҳимизни шод қилдинг, қани қўлингни оч, илоҳо устозларингдан ҳам ўтиб кетадиган созанда бўлгин», деб дуо қилишди. Мен ҳам фотиҳага қўл кўтарганимда янги келиннинг юзига тегиб кетибди. Уйғонсам — тушим. Келинингиз бир четда йиғлаб ўтирибди. Ҳа, десам, «Ярим соат оғзингизда музика чалдингиз, кейин мени урдингиз», деди ҳиқиллаб. Дарров узр сўрадим, «Девонага теккан эканман, деб йиғлаётган экансизда», қабилидаги гапларни қилиб, қўнглини кўтарган бўлдим. Кейин устоз сурнайчи Махкам ака Собировга бориб тушимни айтиб бердим. «Ёлғони йўқми?» деб сўради у киши. Йўқ, дедим. Махкам ака «Тушинг тўғри бўлса, сенга Худо берибди», деди. Яна бир гап. Уста сурнайчи Нурилла акамизнинг Давлатилла, Баракатилла, Санъатилла деган ўғиллари бор эди. Бир куни улар билан бешик тўйига бордим. Давлатилла ака сурнайни эшиб чалди. Тўқсон ёшга кирган бир мўйсафид: «Отанг Нуриллани биламан, сурнай чалганда булбулни мот қиларди. Қани, сен ҳам бир «Наво»ни чал-чи», деди. Давлатилла ака йўқ демади. Эсимга кўрган тушим келиб, мен ҳам бир чалай, деб икки қўлим билан сурнайни ушлабман Чол разм солиб турган экан, бера қол, ишқибоз кўринади, деди. Шу куни «Уйғон, болам»ни чалдим. Шушу қўлимдан сурнай тушмайди.

— Сурнайнинг катта-кичиклиги қандай бўлади?

— Бизнинг сурнайимизни уста Қаюм ясаган эдилар. Қаюм ака одатда сурнайни 45 сантиметрдан калта қилмасдилар.

— Унинг овоз берадиган мосламаси бор-ку...

— Нилини айтяпсизми?

— Ҳа-ҳа, нега беш-олтита бўлади?

— У қамишдан ясалади. Агар сал қаттиқроқ тишлаб юборсангиз умуман овоз чиқармай қўяди. Шунақа пайтда иккинчисини қўйиб, чалаверасиз.

— Сизнинг сурнайингизга садаф ҳам қадалган?..

— Садафни 1974 йилда уста Раҳматилла Зокиров қўйиб берган. Ҳозир учта садафли сурнай бор бу депарада...

— Битта сурнай қанчага чидайди?

— Агар эҳтиёт қилсангиз 50-60 йил бемалол чаласиз.

— Сурнайчи сифатида фақат тўйларда ўз санъатингизни намойиш этасизми ёки бирон-бир жойда ишлайсиз ҳамми?

— Фурқат номли маданият уйида тўгарак раҳбариман. Ёш сурнайчи болаларга таълим бераман.

— Мусиқамизнинг олтин фондида сиз ижро этган куйлар ҳам борми?

— «Савти Мискин», «Сурнай навоси», «Ражабий», «Гиря», «Шароф», «Дилхирож», «Наврўзи ажам» сингари ўнта куйим фондда сақланар экан. Эшитиб жуда хурсанд бўлдим.

— Сизни жаҳонгашта созанда дейишади...

— Жуда унчалик эмасу, Ўрта Осиё республикаларида, Венгрия, Болгария, Ҳиндистонда бўлганман.

— Биронтаси ҳақида сўзлаб беринг.

— 1988 йилда Ҳиндистонга бордик. Бизнинг гуруҳ Беларус, Латвия, Ўзбекистон санъаткорларидан ташкил топган эди. Деҳли, Бомбай, Жайпур, Удайпур, Агра, Триадурум каби шаҳарларда чиқишлар қилдик. Ҳар гал навбат менга келганда, йиғилганлар қарсак чалиб, қўйишмайди. Куй куйга уланади. Ҳиндлар ўринларидан туриб, ўйинга тушиб кетадилар денг. Ўзбек куйларини жуда ҳам яхши кўришаркан.

— Ҳиндлар илон ўйнатса, сиз уларни ўйнатибсиз-да. Айтганча, ҳиндларда ҳам бор-ку, сурнай...

— Бор, лекин биздагидан анча фарқ қилади. Номи ҳам зурна.

— Илк бор сурнай овози қачон янграганини биласизми?

— Раҳматли устамиз Қаюм Азимовдан ҳам бир одам шуни сўраган экан. Қаюм ака бир нарса деёлмаган. Шунда бояги одам: «Сиздай созанда билмаса уят бўлади. Сурнай овози ер юзида илк бор эшитилганига етти минг йил бўлди», деган экан. Лекин ким чалган, қачон чалган, қаерда чалган — буни айтолмайман.

— Сиз эл орасида юрган одамсиз. Бир хонадоннинг барча авлодига хизмат қилганингизни эслайсизми?

— Бунақалар кўп бўлган. Рихсивой ака деганимиз бор. Шу одам уйланганида сурнай чалган эканман. Буни қарангки, унинг ўғлини бешик тўйида, суннат тўйида, уйланганида ҳам бордим. Яқинда бир тўйга таклиф этишди. У Рихсивой аканинг набира тўйи экан. Қаранг, орадан салкам ўттиз йил ўтибди-я! Кейин, кўплар ўғлимнинг тўйида ҳам келасиз, деб ният қилишади. Илоҳим ниятларига етишсин.

— Табаррук Ҳаж арконларини адо этган экансиз...

— Иншооллоҳ, бу ҳар бир мўминга насиб этсин. Уч марта Байтуллоҳ зиёрати насиб этди. Учинчисида ўзимизнинг машинада бордик. Бир хафта деганда кириб борганмиз. Мадинада кетаётсак, светофор ёниб қолди. Шунда у томондан келган машина билан ёнма-ён бўлдик. «Ассалому алайкум», деди ҳайдовчиси. «Валайкум ассалом», дедик. «Ватанданмисизлар?» деб сўради. «Ҳа, дедик, такя қидириб юрибмиз». «Менинг орқамдан юринглар», деди у. Эргашиб бордик. Тўрт қаватли уйга етиб келдик. Меҳмонхонами десак, Абдуқодир Марғилонийнинг уйи экан. Бизни эргаштириб келган йигит Абдуллоҳ у кишининг ўғли бўларкан. Иккиуч кун шу ерда яшадик. Бизга Қуръони Каримнинг ноёб нусхаларини ҳадя қилди.

— Сиз ҳам бирор нарса ҳадя этгандирсиз?!.

— Созанда нима ҳадя қиларди. Сурнайда беш-олтита куй ижро этдим. Айниқса, «Сурнай навоси»ни бизни зиёрат қилишга келганлар кўзда ёш билан тинглашди. «Худди Фарғона боғларини кўргандек, зилол сувларининг шилдирашини эшитгандек бўлдик», деб дуо қилишди.

— Аҳмаджон ака, сизга сурнайчилик ота касбми?

— Йўқ. Падари бузрукворим Абдураҳим Ҳожибоев деҳқон бўлганлар. Лекин, ўлан айтишни қийиб юборганлар. Онамиз Қумрихон ая ҳам санъатга алоқадор эмаслар.

— Ўзингизнинг фарзандларингиз-чи?

— Фарзанларим сероб. Ўн битта. Беш ўғил, олти қизимиз бор. Отамиз дунёдан кўз юмгунларича топган-тутганимни қўлларига келтириб берардим. У киши «серфарзанд, сердавлат бўлгин», деб дуо қилар эдилар. Мана, дуолари ижобат бўлди. Бу ёқда қизимизни узатадиган бўлиб турибмиз, бу ёқда Марҳаматхон ҳожи онангизнинг қўлларида чақалоқ... Ўғилларим Атҳамжон, Авазжон, Азимжон, Аъзамжон ҳамма созларни чала олади. Лекин, ҳаммаси бирон олий ўқув юртини битиришган. Кенжатойимиз Қаҳрамон ҳали ёш. 1991 йилда туғилган-да.

— Шогирдларингиз ҳақида гапирмадингиз...

— Шогирдларим кўп. Буёғи Қозоғистону Тожикистон, буёғи Қирғизистону Туркманистон. Айниқса, водийда жуда кўп сурнайчи йигитларим.

— Вилоятимизда ҳам бордир?

— Албатта! Бекобод, Бўка, Тўйтепа, Бўстонликда жуда истеъдодли сурнайчи йигитлар бор. Улар билан фахрланаман. Улар бор экан, сурнай наволари асло-асло тинмайди.

— Газетхонларимизга тилакларингизни изҳор этсангиз?..

— Санъаткорнинг тилаги битта: юртимиз тинч бўлсин. Ҳар бирингизнинг хонадонингизда тўй бўлсин. Шу тўйларда сурнай садолари жўшиб янграсин!

Суҳбатдош Темур УБАЙДУЛЛО.

Суратда: Аҳмаджон ҲОЖИБОЕВ.

Даврон АҲМАД олган сурат.

Газалхонлик

НАСИҲАТ

Билгилки, умримизга эрурсан чироқ болам,
Бағримизни ўртагай жиндак ғам-фироқ, болам.

Отанг қаддини букма, йиғлатма зор онангни,
Бўлсин иймон, эътиқод доимо ҳамроҳ, болам.

Меҳнаткаш зурёдисан тўккин манглай терингни,
Ҳалол меҳнат, фидойи иззатда ҳар чоқ, болам.

Бўлма асло бадният кимсаларга ошино,
Бадниятлар эркингдан этадур йироқ, болам.

Ҳар маҳал қилган ишинг келтирсин офаринлар,
Ёмондир виждон қийнаб айласа сўроқ, болам.

Ўзингдан катталарга ҳурматни этма канда,
Юртбошингнинг номини айлагил байроқ, болам.

Мақсудий ёзди ғазал дилда бор мехрин тўкиб,
Шон-шуҳрат топай дея, қилма ҳеч гуноҳ, болам.

ЯРАТДИМИЗ

Халқнинг қудрати билан бир жаннат яратдимиз,
«Оқ олтин» ўлкаси деб, донғини таратдимиз.

Тасаннолар ўқигай, дўстлар жаҳонда бор экан,
Ўзимизга дунёни ҳавас-ла қаратдимиз.

Истиқлол берди бизга ҳур замон, гулгун замон,
Истиқлол сўзи бирлан тилларни сайратдимиз.

Ўзбекистон қўйнида бунёд этиб чаманлар,
Она ернинг бағрини тер тўкиб, яйратдимиз.

Мақсудийнинг мақсуди шул эрур, эй дўстларим,
Сўнмасин асло, азизлар, тандаги ғайратимиз.

ВАТАНИМ

Ватаним Осиёнинг бағрида бир Чўлпондир,
Бир кўрай деб қуёшнинг ҳар кун жойи осмондир.

Йигитлари Алпомиш, ҳар гўзал-пари пайкар,
Ўз юртининг арслони, ўз сўзига султондир.

Ҳавоси танга дармон, ҳар гиёҳда минг шифо,
Бир ҳовуч оби-ҳаёт — ибн Сино, лукмондир.

Осмонга боқиб ҳаргиз, юлдузларга маст бўлманг,
Олтин тошган чаноқлар юртимга дур, маржондир.

Жаҳон ичра жаҳон юрт, фидойи паҳлавон юрт,
То тирик экан ўғлинг Мақсудий ғазалхондир.

Мақсуд ФАЙЗИЕВ.

ТОШКЕНТНИНГ АМАЛИЙ БЕЗАК САНЪАТИ

Пойтахтдаги Шератон меҳмонхонасида Тошкентнинг амалий безак санъати савдо кўргазмаси очилди. Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва АҚШнинг Филип Моррис компанияси ҳомийлигида ташкил этилган бу кўргазмада халқ усталари ва рассомларнинг олтмишдан кўпроқ иши намойиш қилинмоқда.

Кўргазмада халқ ҳунармандлигининг асрлар оша давом этиб келаётган ганч ва ёғоч ўймакорлиги, заргарлик, чиннисозлик, кандакорлик, каштачилик каби турлари билан бирга гобилен, бадиий кулолликка оид асарлар ҳам кўйилган. Халқ ҳунармандлигини қўллаб-қувватлаш, уни кенг тарғиб этиш ва жаҳонга танитишни мақсад қилиб олган кўргазма давомида энг кўп шогирд тайёрлаган уста, энг яхши ҳунарманд аёл, анъанавий бўлмаган санъат турларининг энг яхши рассоми, ижодий изланишларнинг ўзига хослиги ва энг ёш иштирокчи йўналишлари бўйича ғолиблар аниқланиб, махсус мукофотлар билан тақдирланди.

Б. МАНСУРОВ, ЎзА мухбири.

ЯХШИ СЎЗ БИЛАН

Маърифат дастурхони

Хушмуомалалик инсонларга хос бўлган ниҳоятда гўзал, зийнатли фазилатдир. Шу биргина сўз замирида инсоннинг ширинсуханлиги, камтарлиги, билимдонлиги, маънавий дунёсининг бойлиги, яхши тарбия кўрганлиги сезилиб туради.

Хушмуомалалик замирида ўзга шахсга нисбатан самимий ҳурмат ётади, мулойим, майин сўз ҳар бир инсон қалбига эзгулик нури, ҳурсандчилик ва яхши кайфият бахш этади, икки дилни бирбирига боғлайди.

Улуғ мутафаккир Саъдий Шерозийнинг шундай назми бор:

Ширин сўзли шилгай душман пўстини,
Даҳал сўзли душман қилар дўстини.

Инсонлардаги кўполлик, беодоблик ила муомалада бўлиш, ўзгаларга нисбатан камситиш назари билан қараш, сўкиниб сўзлашиш, беандиша, уятли сўзларни қўшиб айтиш, кибрлилик, димоғдорлик иллатлари ҳам кўриниб туради. Бундай кишилар нафақат ўзгалар дилини балки, ўзларининг обрўларини ҳам ерга уриб ҳақоратлаётганликларини сезмайдилар.

Дилни ранжитиш жуда осон. Аммо бу билан ҳеч ким наф кўрмайди. Ўйламай айтилган бир оғиз сўз заҳарли тиғ каби инсон қалбини вайрон, дилини хуфтон қилади. Заҳарли наштари билан инсоний қалбини пора-пора қилиб, юрувчи, ўзини бошқалардан устун ҳисоблаб, ҳеч кимни назар-писанд қилмайдиган кимсаларга рўбарў қилишдан Оллоҳ асрасин.

Инсон инсон билан тирик. Ҳар куни бир неча кишилар билан мулоқотда бўлишга тўғри келади. Ўзаро учрашув, суҳбатлашув чоғида ҳол-аҳвол сўрашилади, ахборот алмашадилар, дардлашадилар, маълум бир ишнинг режаси тузилади. Мураббий ёшларга билим, тарбия беради ва ҳоказо. Ана шу ҳолат ҳар куни қайтарилади. Оқибатда турли тоифадаги, турли дунёқарашдаги кишилар ўртасида бирбирини тушуниш ёки ўзаро келишмовчилик, руҳий психологик кайфиятни кўтариш ёки ерга уриш ҳоллари содир бўлади. Жиндек хато ёки ноўрин бир оғиз сўз учун бир-бирларига нисбатан кўпол муомалада бўлиш ҳоллари кузатилмоқда. Айниқса, автобус ва трамвайда, бозорларда, савдо ходими билан харидор, ҳайдовчи билан йўловчи, раҳбар билан ходим ўртасида муомала маданиятига риоя қилмаслик ҳоллари учраб туради.

Муомала маданияти, хушмуомалалик миллий қадриятларимиздан бири, айни ҳолда исломий тарбиянинг асосидир. Хушмуомалалик, ширин сўзлик, самимий муомала ҳақида жуда кўп ҳадис, ҳикматли сўзлар, мақол ва ҳикоялар мавжуд. Пайғамбаримиз Муҳаммад саллоллоҳу алайҳи васаллам шундай ҳадислари бор: «Одамлар билан хушмуомала бўлинглар. Одамларга беодоблик қилиб, беҳаё сўзларни айтманглар», «Мусулмонлар ўзаро жанжаллашаётган бўлса, отдан тушсин, тик турган бўлса, ўлтирсин, ўлтирган бўлса ётиб олсин».

Бир оғиз аччиқ, нордон, заҳарли сўз ила бир инсон дилини хуфтон қилиш осон. Бир оғиз ширин, ёқимли, мулойим сўз билан бир инсон қалбини равшан, нурафшон қилиш мумкин.

Ўзбекистон халқи жаҳон нигоҳида. Мамлакатимизга ташриф буюрувчи кўплаб давлат арбоблари, ишбилармонлар, меҳмонлар, сайёҳлар, санъат ва маданият арбоблари, радио, телевидение, газета ва журнал мухбирлари, кундалик турмушимиз ва муомала маданиятимизга синчковлик билан назар солиб, баҳо бермоқдалар. Шундай экан, ниҳоятда қадимий ва бой тарихи, маданияти ва одамий тарбиясига эга халқ сифатида ўзлигимизни намоён қилишга ҳаракат қилайлик.

Катта-кичик, эркагу аёл — барча-барчамиз ҳамиша хушмуомала, ширинсўз, мулойим, камтар бўлишга ҳаракат қилсак, кайфиятимиз кўтарилади, руҳимиз тетик, соғлигимиз бардам бўлади. Дилларда қувонч, юзларда табассум, кўзларда севинч жилоланади.

Неъматилла САЪДУЛЛАЕВ, Тошкент Давлат Аграр университети фалсафа ва ҳуқуқ кафедраси мудири, доцент.

СОЛИҚ ТЎЛОВЧИЛАР ДИҚҚАТИГА

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётида бозор муносабатларининг ривожланиши ва чуқурлашиб бориши муносабати билан солиқ қонунчилигини кенг қатламли солиқ тўловчиларга ўргатиш ҳамда аҳоли ўртасида солиқ маданиятини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси қошида Республика ахборот-маслаҳат Маркази ташкил этилди ва Тошкент вилоятида унинг филиали тузилди.

Филиалнинг асосий вазифаси: солиқ тўловчиларга ёзма ҳамда оғзаки маслаҳат хизматлари кўрсатиш, бухгалтерия ҳисоботларини тўғри юритишни ўргатиш, солиқ ва молия ҳисоботлари тузишда услубий ва амалий ёрдам бериш, корхона ва ташкилотларнинг молия хўжалик фаолиятини таҳлил килиш, солиқ тўловчиларнинг эътиборига меъёрий ҳужжатлар, шарҳлар, тушунтириш ва бошқа солиққа тортиш масалалари юзасидан материаллар етказиш, корхона ва ташкилотларнинг раҳбарлари ва ҳисобчилари учун солиқ қонуни бўйича курслар, семинарлар ташкил қилиш ва ўтказиш (семинарларни республикадаги етакчи иқтисодчилар ўтказади).

Бундан ташқари филиал, фуқароларнинг жамлама йиллик даромадлари бўйича декларацияларини тўлдириш, солиқ тўловчиларга бухгалтерлик ҳисобига оид масалалар бўйича ўз ишларида компьютер техникасидан фойдаланишни ўргатиш ва бухгалтерлик ҳисоботидаги бланкаларини тайёрлаб бериш ишлари билан шуғулланади.

Филиал Сизнинг мураккаб бозор иқтисодиётида солиқ тўлашдаги муаммоларингизни хал этишингизга ёрдам беради.

БИЗ БИЛАН ҲАМКОРЛИК ҚИЛИШ ИСТАГИНИ БИЛДИРСАНГИЗ, ҚУЙИДАГИ МАНЗИЛГА МУРОЖААТ ҚИЛИНГ:

ДСҚ РАММнинг Тошкент вилояти бўйича филиали. Чирчиқ шаҳри, Ломоносов, к., 1-а. Индекс: 702106. Телефон 8/271/5-18-69, Тошкент ш. 173-34-15.

Об-ҳаво

Об-ҳавони кузатиш бош бошқармасидан хабар қилишларича, 4-8 декабрь кунлари пойтахтимиз ва Тошкент вилоятида об-ҳаво ўзгариб туради. Баъзи ҳудудларда ёғингарчилик бўлиши эҳтимоли бор. Шу даврнинг иккинчи ярмига бориб ҳарорат бироз кўтарилади. Кечалари 0-5 даража илиқ, кейинчалик 2 даража совуқ, 3 даража илиқ бўлади. Кундуз кунлари эса ҳарорат 4-9 даражадан 9-14 даражагача кўтарилади.

Тошкент шаҳар Сирғали туманига қарашли «SARVAR BARAKA» хусусий савдо уйи фирмасига тегишли юмалоқ муҳр ва тўрт бурчак штамп йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Акмал Икромов туманидаги «Меҳмонали» масъулияти чекланган жамияти

ТУГАТИЛАДИ.

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой давомида 47-89-87 рақамли телефон орқали қабул қилинади.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ • TOSHKENT HAQIQATI

Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар: хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48; Эълонлар: 133-40-48, 136-57-27.

• Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №8. Буюртма Г-0888. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. Саҳифаловчи: Алёна ПОРОШКИНА. Адади 11.937 нусха.

"Шарқ" нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи: якка обуначилар учун 205, ташкилотлар учун 206. Босишга топшириш вақти – 20.30. Босишга топширилди – 18.00. 1 2 3 4 5 6